Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

*Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!*

# Туркистон

1995 йил 1 ноябрь. Чоршанба. № 42 (14294) ترکستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 октябрь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон банки президенти Жеймс Д. Уолфенсон раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов меҳмонларга Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш борасида ўзига хос йўлдан бораётгани ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бешта устувор йўналиш танлангани ҳақида сўзлар экан, мазкур тамойиллар ўтган қисқа давр ичида ўзини тўла оқлаганини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбари Жаҳон банки президентининг Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга илк ташрифини республикамиз билан ўзаро ҳамкорликни янада равнақ топтиришга бўлган алоҳида қизиқиш дея баҳолади.

Бугун Ўзбекистон Жаҳон банки билан ҳамкорликда иқтисодиётнинг устувор йўналишлари бўйича бир неча лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этмоқда. Айни пайтда, Жаҳон банки кўмагида иқтисодиётда структуравий ўзгаришларга эришиш, хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш, молия тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда унга яқин лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Президент Ислом Каримов Жаҳон банки ва унинг ташкилотлари билан шерикликда амалга оширилаётган тадбирларга тўхталар экан, мазкур нуфузли молия ташкилоти билан коммуникацияни ривожлантириш, мамлакатнинг экспорт қудратини ошириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилишдан Ўзбекистон чуқур манфаатдор эканини таъкидлади.

— Жаҳон банки делегациясининг Ўзбекистонга мазкур ташрифи ўзим учун ҳам, халқаро ташкилотимиз учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Жеймс Уолфенсон. — Биз Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг иқтисодий ривожини эътибор билан ўрганяпмиз. Ўзбекистон эса минтақада ўзининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги билан ажралиб туради. Шу боис мен Марказий Осиё мамлакатларидан биринчи бўлиб Ўзбекистонга ташриф буюришга қарор қилдим.

Жеймс Уолфенсон мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, хусусийлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш, нефт ва ғалла мустақиллиги борасида эришилаётган ютуқларга юксак баҳо берди. «Мен Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби орқали ҳам мамлакатингиз танлаган йўл ва иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар ҳақида маълумотга эга бўлган эдим», деди у.

Жаҳон банки президенти Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун қулай шарт-шароит ва кафолат мавжудлигини айтиб, мамлакатдаги барқарор тинчлик бунинг асосий гарови эканини эътироф этди. Шу боис Президент Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси тантанали мажлисида олға сурган минтақавий хавфсизлик орқалигина ялпи хавфсизликка эришиш мумкин деган ғояси ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқ, деди Жеймс Уолфенсон.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Қабул чоғида Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Парвез Ҳасан ҳозир бўлди.

* * *

Қабул маросимидан сўнг Президенти И. Каримов ва Ж. Уолфенсон хорижий ва маҳаллий матбуот вакиллари билан учрашдилар ҳамда уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

**(ЎзА).**

## ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАМИЗМИ?

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида талабалар ва уқитувчиларнинг Ўзбекистон республика прокуратураси бўлим бошлиғи, катта адлия маслаҳатчиси, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси Файзулла Қиличев ва бошқа прокуратура ходимлари билан учрашуви булиб утди.

Учрашув қатнашчилари ёшларга айни шу кунларда ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат ва шу йўлда эришилган ютуқлар ҳақида гапириб бердилар. Улар талабаларга иқтисодий билим даражаларини ошириб бориш билан бирга ҳуқуқий билимларини ҳам бойитиб бориш зарурлигини уктирдилар. Чунки қонунлар устиворлигини, уларнинг ҳаётимиздаги ўрнини англамай туриб, ҳеч бир шахс ўз фаолиятида ўзгариш ясай олмайди. Улар прокуратура иши тарихи ҳақида тўхталиб, талабаларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

— Университетимизда бундай учрашувларни ўтказиш анъанага айланиб қолган, — дейди ректор муовини, профессор Назар Ҳакимов. — Нафақат ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва бошқа соҳаларнинг билимдонлари билан ҳам учрашувлар ташкил қилиб турамиз. Бундай учрашувлар табиийки, талабаларни янада чуқурроқ билим олишга, назарий билимларини амалиёт билан таққослашга кўмаклашади.

Дарҳақиқат, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ўтказилаётган бундай тадбирлар ибратли. Зеро, ҳар жиҳатдан билимдон, малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларни замон талаблари асосида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

**С. РАҲИМОВА.**

*Обуна-96*

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Давр бўҳронлари ҳар қанча зам-зама қилмасин, барибир у маънавият қаршисида ожиздир. Зеро, газета ўқишни севган, буни кундалик ҳаёти тарзига айлантирган кишига замон ўзгаришларининг фарқи йўқ. Ҳар қандай шароитда ҳам ўрганган одатни канда қилмайди.

Шу кунгача «Туркистон» ёшлар ҳаётида севимли бир қўлланма бўлиб келган эди ва умид қиламанки, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Ёшлар Иттифоқи Тошкент вилояти қўмитаси юқоридаги нуқтаи назар билан обуна ишларини намунали йўлга қўйиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Вилоят ҳокимлиги билан бамаслаҳат мактаблар, ёшлар кўп йиғилган идора, корхоналар, қишлоқлар, туманларда обунанинг қандай бораётганлиги назорат қилинмоқда. Албатта, ҳар бир воқелик ёки хайрлик ишнинг кенг ёйилиши ташвиқот-тарғиботга боғлиқ.

Афсуски, баъзи жойларда ЁИ ташкилотлари ходимларининг эътиборсизлиги, ёшлар билан ишлаётган раҳбарларнинг сусткашлиги сезилаётир. Қолаверса, обуна бўлишга ҳамма ҳам қодир эмас. Лекин кўплашсак, имкон топиш мумкин. Дейлик, бир синфда 30 бола ўқиса, ҳар бирига 20 сўмдан тўғри келади. Мактабда эса камида 300-400 бола ўқийди. Ишлаб чиқариш корхоналари, тижорат билан шуғулланувчи ёшлар масканлари ҳомийлиги йўли билан ҳам обунани ташкил қилиш мумкин. Халқда излаган имкон топади, деган нақл бор. Ҳамма гап жойлардаги Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотлари, ёшлар корхоналари раҳбарларининг нашрларимизга бўлган жонкуярлиги ва фидойилигига боғлиқ.

Ҳа, ёшлар иложи борича газетани кўпроқ ўқишлари керак. Чунки, шиддатли замон ҳар бир ўғил-қиздан ҳар томонлама билимли, дунёқараши кенг қамровли бўлишини талаб этмоқда. Тенгдошларимиз ҳаётида рўй бераётган воқеликлардан ўз вақтида хабардор бўлиб туришлари, бирбирларининг жаҳон ёшлари ҳаётларидаги қувонч ва ташвишларидан огоҳ бўлиб туришлари зарур. Бундан ташқари, газета саҳифаларида тижоратни ўрганувчилар учун ҳамиша ахборотлар бисёр бўлмоғи даркор. Шу билан бирга турли янгиликлар, ёшлар маънавиятини озиқлантириб турувчи мақолалар, қизиқарли мулоқотлар, ранг-баранг рукн, шиорлар остида саҳифалар тайёрланиши айни муддаодир. Токи ёшлар ўз минбарларидан тўла-тўкис фойдалана билиб, хохиш-истаклари, орзу-ниятларини айта олсинлар. Қонун ва ўз ҳуқуқларини ўрганиб борсинлар. Бир сўз билан айтганда, газета ҳам ёшлар ишончини оқлай билсин. Шундагина у ўз муштарийларини оҳанграбо каби тортаверади.

Ниятимиз — «Туркистон» газетаси обуначилари сонини пойтахт вилоятида 1500 тага етказиш. Ўйлаймизки, албатта бунга эришамиз.

**Наима ЖАББОРОВА**
**Ёшлар Иттифоқи Тошкент вилояти қўмитасининг биринчи котиби.**

*Ислоҳот одимлари*

## «ОТАНГ БОЗОР...

...онанг бозор», деган мақол айни бизнинг даврга мўлжаллаб айтилган бўлса керак. Чунки, бугунги бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш жараёнида юқоридаги мақолнинг қадри янада ошиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти билан биргаликда диёримизга қатор янгиликлар ҳам кириб келмоқдаки, уларсиз бозорни тасаввур этиб бўлмайди. Ана шундай янгиликлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19 апрель 1994 йилдаги қарори билан «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмасига қарашли доимий ҳаракатдаги ярмарка — Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржасининг фаолият бошлаганлигидир. Ушбу биржа иш бошлаганига ҳали унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, мустақил мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда, келажаги буюк давлатимизнинг иқтисодий пойдеворини яратишда ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. 30 октябрь куни пойтахтда биржанинг тақдимот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор йирик ташкилотлар ва идораларнинг раҳбарлари, шунингдек, республика оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Биз ана шу тадбир иштирокчиси, Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржаси Самарқанд вилоят филиали бош директори Аълам Пўлатович Саидовни суҳбатга тортдик.

— **Аълам ака, биржанинг Самарқанд вилоят филиали ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Филиалимиз шу йилнинг апрель ойидан фаолият бошлади. Ана шу қисқа вақт ичида анча-мунча ишларни амалга оширишга эришдик. Бундан вилоятимиз тадбиркорлари хурсанд бўлишмоқда.

— **Тадбиркорларга қандай енгилликлар яратилмоқда?**

— Мана сизга оддий мисол. Вилоятимизда биржанинг филиали ташкил этилгунга қадар хорижий мамлакатлар билан олди-сотти қилишни истаган тадбиркорларимиз рухсатнома олиш учун пойтахтга югуришарди. Қанча вақт, харажат (йўл учун) кетарди. Энди улар ана шу ортиқча ташвишлардан озод бўлишди. Хорижга чиқарадиган маҳсулотларини ҳам, хориждан оладиганларини ҳам биржамиз орқали амалга оширадилар.

— **Биржанинг афзалликларини яна нималарда кўриш мумкин?**

— Энг асосийси, биржада ва биржа ташкил этган ярмаркаларда моллар фақат миллий валютамизда, яъни сўмда савдо қилинади. Бу эса, ўз навбатида миллий пулимизнинг қадрини ошириш ҳамда хорижнинг қадри баланд валюталарини республикамизга жалб қилишда катта имкониятлар яратади.



— **Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Ислом Ҳамро суҳбатлашди.**





*Халқ таълими: бугун ва эртага*

## БОЛАЛАРДА НУҚСОН БЎЛМАЙДИ



***Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг дефектология факультетида «Ривожланишида камчилиги бўлган болаларга коррекцион таълим ва тарбия бериш назарияси ва амалиёти» мавзуси бўйича республика илмий-методик анжумани бўлиб ўтди.***

Ҳа, ҳаётимизда, афсуски, нуқсони бўлган болалар учраб туради. Уларга таълим-тарбия бериш, эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва талаффузини шакллантириш вазифаси дефектологлар зиммасига тушади. Республикамизда дефектологлар тайёрлайдиган ягона даргох пойтахтимиздаги педагогика институтидагина мавжуд. Шу боис, анжуман айнан шу масканда ўтказилмоқда. Қолаверса, дефектология факультетининг алоҳида иш олиб бораётганига 10 йил бўлди.

Факультетда 2 та кафедра мавжуд: олигофренопедагогика ва логопедия, сурдопедагогика ва дефектология клиника асослари. Мазкур факультетни тамомлаганлар олигофренопедагог ва логопед, дефектолог-психолог, сурдопедагог, она тили ва адабиёти уқитувчиси, боғча муассасаларида сурдопедагог мутахассисликлари бўйича иш олиб борадилар.

Олигофренопедагоглар ёрдамчи мактабларда ақлий томондан заиф бўлган болаларга таълим-тарбия беришади. Логопедлар эса нутқ камчиликларини тузатиш, бартараф этишда ота-оналарнинг бевосита ёрдачиларидир.

Республикамизнинг махсус мактаб-интернатлардан иштирок этган мутахассислар таълимда янги технологияни қуллаш, унга замонавий тарзда ёндошиш, дефектологлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари каби масалалар бўйича фикр алмашдилар.



**СУРАТЛАРДА: дефектология факультети хаётидан лавхалар.**

**Матн ва суратлар муаллифи Мухаммад АМИН.**

*ОБУНА-96*

## ТУРКИСТОННИ КИМ СЕВСА, «ТУРКИСТОН»ГА ОБУНА БЎЛАДИ!

***ОБУНА НАРХИ***

**Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда:**

**• Якка тартибдаги обуначилар учун:**
**Нашр индекси — 64607**
**6 ойга — 424 сўм 80 тийин**
**12 ойга — 849 сўм 60 тийин**

**• Ташкилотлар учун:**
**Нашр индекси — 64633**
**6 ойга — 528 сўм 90 тийин**
**12 ойга — 1057 сўм 80 тийин**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА**

**• Якка тартибдаги обуначилар учун:**
**6 ойга — 380 сўм**
**12 ойга — 720 сўм**

**Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:**
**6 ойга — 324 сўм**
**12 ойга — 648 сўм**

**• Ташкилотлар учун:**
**6 ойга — 530 сўм**
**12 ойга — 1058 сўм**

**Ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:**
**6 ойга — 474 сўм**
**12 ойга — 948 сўм**

***Нашрларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар республика вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳрига қараганда бирмунча қимматроқ бўлганлиги туфайли (ҳаво йўллари, темир йўл ва автотранспорт харажатлари ҳисобига) пойтахт шаҳрида нашрларнинг обуна нархи алоҳида кўрсатилган.***

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

# НОН ҲАҚИДА СЕҲРЛИ ҚЎШИҚ

*Оҳ-оҳ, тилла бошоқларим,*
*Офтобим болалари.*
*Гижинглаган тойчоқларим,*
*Онамнинг нолалари.*
*Чайқаласиз — кумуш уммон,*
*Умидларим ижобат.*
*Кўкламдаги бир ҳовуч дон —*
*Хирмонсиз-ей оқибат.*

**Азим СУЮН.**

Юракка бир дунё ҳаяжон, сеҳр олиб кирадиган қўшиқни, шеърларни ким севмайди, дейсиз? Авваллари шоирлар асосан пахта ҳақида, унинг оламшумул қадр-қиммати хусусида берилиб — берилиб куйлашни хуш кўришар эди. Энди эса... Дастурхонимиздаги энг тансиқ таом-нон тўғрисида, унинг бунёдкорлари, тунларни баъзан уйқусиз ўтказадиган нонпазлар ҳақида, далаларга оро беришга ошиқадиган ғаллакорлар хусусида битиладиган қайноқ сатрларга тез-тез дуч келадиган бўлиб қолдик.

## ҚОР УЧҚУНЛАРИДАЙ ОҚ...

— Сизни комбинат цехларидаги иш жараёни билан таништирсам, — деди Шўрчи дон маҳсулотлари корхонаси директори муовини Бўрон Менгбоев. — Аввало, меҳнат эстетикасига, одамларга ғамхўрликка, уларнинг иш ва маданий турмуш шароитини яхшилашга қандай эътибор берилганлиги билан қизиқмоқчи экансиз, марҳамат.

... Шу пайт унинг кабинетига Термиз Давлат университетидан бир гуруҳ адабиётшунос ва тилшунос олимлар келиб қолишди. Улар филология фанлари номзодлари — профессор Холмирза Холиёров, доцент Саттор Махматқулов ва бошқалар эди.

— Қани келингизлар.

— Биз Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг кейинги ойларда нашр қилинган асарлари ва бошқа мавзуларда маърузалар қилмоқчи эдик.

— Марҳамат. Ҳозир мажлислар залига ҳамма ишчилар, техник ходимларимизни тўплаймиз.

— Адабиётчилар билан учрашувлар бугунгидай тез-тез ўтказилиб туриладими?

— Ҳа. Ўзбекистон Олий Мажлисига сайлов арафасида таниқли ёзувчи Эркин Аъзамов билан қизиқарли учрашув, суҳбат уюштирган эдик.

... Цехлардаги дастгоҳлар гувиллайди, чанг деярли йўқ, атроф озода. Ишчиларнинг юзида қувонч ўйнайди. Уларнинг кўпчилиги ойига бир ярим, икки минг сўм атрофида маош олаётганликлари, ишлаш учун шароит яхшилиги учунми, ҳар қалай кайфияти анча кўтаринки.

Дастгоҳларга қараб туриб анграйиб қолдим. Бир маромда тўкилаётган ун қор учқунларини эслатар эди.

— Биз фақат бу корхона билан кифояланиб қолганимиз йўқ, — деди вилоят дон ишлаб чиқарувчилар ҳиссадорлик жамияти раиси Пиримқул Алиёров. — Эндиликда Денов, Бандихон, Жарқўрғон шаҳарларида йирик ун тегирмонлари, заводлар қурилиши аллақачон бошлаб юборилган. Бу ишларни тезлаштиришда Исмоил Йўлдошев, Жўра Тожиев, Абдимурод Ҳусанов, Йўлдош Чориев, Пўлат Маматқулов сингари ҳамкасбларим ташкилотчилик қобилиятини намоён қилмоқдалар.

## УН ЗАВОДИНИНГ УСТАСИ

Эркин Қурбонов уйига қош қорайганда қайтди. Шу пайтдаёқ унга Қизириқ тумани раҳбарлари қўнғироқ қилишганини, тезда етиб бориши кераклигини айтишди.

У баъзан тушлик қилмасликка, оёғини узатиб дам олмасликка кўникиб қолган. Қотма чаққон, шу билан бирга чайир билакли бу йигит ҳали қирқ ёшдан ҳам ошмаган бўлса-да, шуҳрати бутун вилоятга ёйилди: «Эркин Қурбонов туманларда ун заводи қураётган эмиш... Ўзи мутахассислиги иқтисодчи бўлса-да, ундан зўр инженерни бутун Шўрчи туманида излаш беҳуда».

Эркин Қурбонов ўйлаб-нетиб турмасдан шартта машинага ўтирдию Қизириқ туманидаги Гиламбоб жамоа хўжалигига жўнади.

— Ҳа, отаси овқат сузаётган эдим-ку?

—Э, вақт тиғиз, Қизириқ туманида ун тегирмонини шу ҳафтада ишга тушириб бераман, деб заводнинг бўлажак раҳбари Эшпўлат Нурматовга қаттиқ ваъда бериб қўйганман.

Қизириқ донни қайта ишлаш корхонаси ишга тушгач, Шеробод тумани ҳокими Ҳушбоқ Пайғамов ҳам Эркин Қурбоновни қўярда-қўймай Н. Муродов номли ширкатлар уюшмасига олиб кетди.

— Эркинбой дўстим, — деди Хушбоқ Пайғамов уни одатдагидек ширин сўзлар билан сийлаб. — Бизгаям ун заводи қуриб бермасангиз, аҳволимиз чатоқ. Салкам 100 километр йўл босиб ҳар йили бир неча минг тонна унни Шўрчи туманидан ташиб келишга мажбур бўлаяпмиз.

— Бўпти ака, бир оғиз сўзингиз...

У «Ахир, сизларнинг туманингизда ҳам кўкрагига уриб кериладиган инженерлар кўп-ку!», деб, гапни майдалаб ўтирмади.

Эркин Қурбоновнинг шарофати, ғайрати туфайли қисқа вақт ичида Шерободда донни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилди. Тоштемир Бегимов раҳбарлик қилаётган бу заводда айни пайтда сифатли ун, комбикорма ишлаб чиқарилаётир. Бундан ҳатто қўшни тумандаги меҳнаткашлар ҳам хурсанд.

Эркин Қурбонов бир неча йилдан буён Шўрчи дон маҳсулотлари корхонасига раҳбарлик қилиб келаётир. У ҳамкасблари Бўрон Менгбоев, Омон Чўтов, Ҳасан Нурматов, Рустам Юсупов, Жўра Тожиев билан биргаликда тадбиркорлик кўрсатиб, сифатли ун ишлаб чиқаришга эришмоқдалар. Яна бир янгилик. Илгари буғдой совуқ сув билан ювилар эди, энди эса... Иссиқ сув билан ювишга киришилганига бир неча ой бўлди.

## МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

— Сизни бир меҳнаткаш одам билан таништирмоқчиман, — деди бир куни вилоят ҳокимининг биринчи муовини Мамаюсуф Холбоев кабинетида гурунглашиб ўтирганимда. — У киши шаҳар ободлиги учун анча иш қилиб қўйди. Парда Холматов бир неча йилдан буён нон комбинатида ишлаб, уни оёққа турғазди, бой ташкилотга айлантирди-қўйди.

Парда Холматовни кабинетидан топа олмадим. Уни Термиз дон қабул қилиш ва сақлаш базаси раҳбари Шоди Эшалиев билан гурунглашаётган пайтда учратдим.

— Сиз мақтамоқчи бўлсангиз мана шу одамни ёзинг, — деди Парда Холматов Шоди Эшалиевни кўрсатиб. — У киши раҳбарлик қилаётган корхонада ишлар яхши ташкил этилганлиги туфайли ундан қийналмаяпмиз. Шу сабабли нонларимиз ҳам сифатли бўлаётир.

— Янгиликлардан эшитайлик, — деди Шоди Эшалиев мақтовдан хижолат бўлиб.

— Янгиликларми? Мана, бешинчи кичик даҳада «Иссиқ нон» цехи қурилди. Германиянинг «Винклер» фирмаси асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бу цех Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами кунларида ишга тушди. Эндиликда шаҳарнинг шимолий қисмида ҳам шундай цех жадал қурилаётир.

— Фақат Парда Холматов раҳбарлик қилаётган комбинатда эмас, бизнинг шаҳардаги нон ишлаб чиқариш корхонасида ҳам ишлар яхши ташкил этилган, — дейди суҳбатимизга қўшилган Денов шаҳри ҳокими Абдуалим Бўриев. — Шаҳло Қиёмова раҳбарлик қилаётган нон комбинатида тайёрланаётган маҳсулотлар шаҳримиз меҳнаткашларига манзур бўлаяпти.

## ҚЎЛ ҚОВУШТИРИБ ЎТИРАДИГАН ПАЙТ ЭМАС

Баъзиларга омад тез-тез қучоқ очади. Балки бу айрим кишиларнинг яхши фазилатлари, меҳнаткашлиги туфайлидир? Мана мисол учун Денов тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Тилла Менглиевни олайлик. Уни вилоятда деҳқончиликнинг моҳир устаси, истеъдодли ташкилотчиси сифатида катта-кичик доимо ҳурмат қилишади. Шу билан бирга кўпчилик уни омадли раҳбар, дейишади. Буни қаранг, у туманга раҳбарлик жиловини қўлга олгач, ҳамиша пахта тайёрлаш йиллик режалари барвақт бажарилиб, ҳосил тоғлари яратилаётир. Иккинчидан, ғалла майдонлари кенгайтирилиб, бу соҳадаги топшириқлар биринчилар қаторида уддаланаётир.

— Деҳқончилик тинимсиз меҳнатни ёқтиради, — дейди туман ҳокими муовини, адабиётшунос олим Тоштемир Турдиев. — Хўжаликларимизда ғалла экини парваришига, агротехникасига бефарқ қаралмайди. Иккинчидан, Деновда фақат ғалла етиштиришда эмас, уни сақлаш ва уруғлик тайёрлашда ҳам фидойи кишилар кўп. Жумладан, Абдусалом Эшматов раҳбарлик қилаётган дон қабул қилиш корхонасида олиб борилаётган ишлар кўзни қувонтиради.

Шўрчи дон қабул қилиш ва сақлаш корхонаси бошлиғи Жўра Тожиев билан суҳбатимиз ҳам амалга оширилган ибратли ишлар, муаммолар ҳақида бўлди.

— Ҳозир қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас, — дейди у. — Кимки ҳаракат қилса, иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилиши учун тиним билмаса иши ўнгидан келаверади. Буни кўп йиллик тажрибадан яхши англадим. Холбой Менгноров, Абрамат Чориев, Бозор Асадов, Холбой Бобомуродов, Зиёдулла Эрмўминов сингари ҳамкасбларим ҳам буни жуда яхши англайдилар. Уларнинг фидокорлиги туфайли донни тозалаб, уруғлик тайёрлаяпмиз. Шунинг ўзидан бир неча минг сўм соф фойда олдик.

... Қумқўрғон туман дон қабул қилиш ва сақлаш корхонаси бошлиғи Йўлдош Чориев шундай деди:

— Ёшлигимда бир момони кўрган эдим. Бир тандир нон ёпиб, болаларимни иссиқ, хушбўй ҳиди иштаҳани қитиқлайдиган нонга тўйдириб, кейин ўлсам, армоним йўқ, деган эди кўзларининг ёшини тўхтата олмай. Мана энди худога шукур, юртбошимизнинг доно сиёсати туфайли халқимизнинг қорни тўқ, усти бут. Шундай экан, ноннинг ҳар бир ушоғини қадрлашимиз лозим.

## ЯНА МУАММОЛАР ҲАҚИДА...

Бандихон тумани ғалла қабул қилиш пункти мудири, ёш, аммо тадбиркор раҳбарлардан бири Худойназар Алманов билан суҳбатимиз анча қизиқарли бўлди. У ун тегирмони қурилиши билан таништирди.

— Худо хоҳласа, ишимиз юришиб кетади. Энди унни ўзимиз ишлаб чиқариш чорасини кўрамиз.

Бироқ.... Туманда ғаллачилик ривожига тушов бўлиб турган иллатлар бир талай. Аввало, хўжаликларда ғалла ҳосилдорлиги паст, иккинчидан деҳқон-фермер хўжаликларида етиштирилган ҳосилнинг ярми ҳам давлатга топширилмади. Нега туман раҳбарлари, бошқа назорат қилувчи ташкилотлар бир неча юз гектарлаб ернинг умрини беҳуда ўтказаётган 30-40 ўринига атиги 10-15 центнердан ғалла ҳосили етиштираётган фермерларнинг мушугини пишт демаётир? Нима учун улар ҳосил хирмонларида ўз манфаати йўлида фойдаланишни хуш кўрадилар?

Вилоят ҳокимининг муовини Шайдулла Болтаев ғалла етиштиришдаги муаммолар ҳақида гапирар экан, ўз фикрларини қуйидагича якунлади:

— Ким ишламадими — унга шафқат қилмаслик керак. Аввало, уддаламаган, яхши ҳосил ололмаган кишилардан экин майдонлари қайтариб олингани маъқул. Марҳамат қилиб унумдор ерлар тадбиркор, уддабурон кишиларга берилсин, улар диёримизда ғалла мустақиллигига эришишимизга катта улуш қўшишларига шубҳа йўқ.

Нима учундир Қизириқ туманидаги Истара, Кунчиқиш, Охунбобоев номли ҳамда Гиламбоб деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаларида ғалла ҳосилдорлиги 1995 йилда ҳам ниҳоятда паст бўлганлиги раҳбарларни ташвишга солмаяпти. Энг ачинарлиси шундаки, бу жойларда ишнинг уддасидан чиқолмаётган, ландовур кишиларга ҳам ғалла майдонлари топшириб қўйилган. Шундай бригадирлар, деҳқон-фермер хўжаликлари аъзолари борки, улар ҳар йили ғалладан жуда кам ҳосил олишади. Бироқ негадир ерни ўзидан кўра ишчанроқ, тадбиркор ёшларга бергиси келмаяпти.

Энди билиб-билмай, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилмай қурилаётган кўлбола тегирмонлар тўғрисида. Таллимаронлик фермер Мамарайим Холиёров шундай деди:

— Мен бир нарсани кўриб ҳайрон қолдим. Яқинда деҳқонлардан уч-тўрт нафари эланмаган, ичида турли бегона ўтлар, тошлар бўлган донни тегирмонда тортиб, ун қилдиришди. Бу буғдой совурилгандаям оз-моз чанги кетган бўлиши мумкин. Аммо, дон иссиқ сув билан худди ун комбинатидагидек ювилмаган, ҳар хил заҳарлар, бегона ўтлардан тозаланмаган-ку? Бу аҳволда одамлар турли ички касалликларга чалинмасмикин?

— Ғалла етиштириш, уни қайта ишлаш саноати учун мутахассислар нега кам? — дейди Жарқўрғон тумани ғалла қабул қилиш корхонаси раҳбари Пўлат Маматқулов. — Айрим жойларда раҳбарлик жилови бу соҳаларнинг умуман кўчасидан ўтмаган кишилар қўлига топшириб қўйилганига нега бепарво қарашади? Менимча, Термиз Давлат Университетида ғалла агрономи ва дончилик техникаси инженерлари тайёрлайдиган факультет очиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг пунктимизда Холмурод Олтибоев, Нуриддин Жўраев, Холиёр Хўжанов, Нурмат Алимов, Мавжуда Булатова сингари фидойи, билимдон кишилар ишлайдилар. Айримлари Москвада ўқиб келишган. Қани эди Сурхондарёда ҳам ғаллачиликка доир мутахассислар тайёрлана бошланса.

**Жовли ХУШБОҚОВ,**
**«Туркистон»нинг**
**Сурхондарё вилояти**
**бўйича мухбири.**



*Кузнинг ҳар бир куни деҳқон учун ғанимат. Буни Ангор туманидаги «Новшаҳар» жамоа хўжалиги деҳқонлари яхши билишади. Шунинг учун улар шу кунгача 580 гектар ерга кузги ғалла экдилар. Ҳадемай бепоён далалар майсаларга бурканади. Сўнг қиш уларнинг устига оппоқ кўрпасини ёпади. Баҳорда қуёш нуридан баҳра олган майсалар яна яшнаб кетади. Қарабсизки, вақти келиб бепоён далалар буғдойзорларга айланади. Ана шунда далалар ризқ-насибага тўлиб кетади.*

*СУРАТДА: Илғор мезанизатор Жумамурод Хўжанов ва Холмурод Қулмаматовни иш устида кўриб турибсиз.*

**Сураткаш**
**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА)**

## *Ислоҳот одимлари*





Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси янги турдаги халқаро миқёсли транспорт самолётини ишлаб чиқарди. Чкаловчилар тайёрлаган бу тайёранинг исми «ИЛ-76 МФ». Унинг узунлиги 53 метр. Ёки шу турдаги тайёралардан салкам 7 метр узундир. У эндиликда 50 тоннадан ортиқ катта юкларни ташиши мумкин. Хуллас калом Ўзбекистоннинг пойтахтида қурилган катта тайёра жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера олади.

**Суратда: кўргазмага қўйилган Ватанимизнинг «ИЛ-76 МФ» Халқаро миқёсдаги юк ташувчи тайёраси.**

●

«Тоштекстиль» ҳиссадорлик жамиятида бўяш, ранг бериш бўлими қайта таъмирланди. Натижада газламалар жаҳон андозасида ишлаб чиқарила бошланди.

**Суратда: шу бўлимнинг кузатувчиси Сергей Мартинович.**

**Р. ШАГАЕВ ва**
**Р. ШАМСУТДИНОВ**
**суратлари.**

*ШУ СЎНГГИ ХАБАР*

## ПАХТАЗОРДА ҚАҲ-ҚАҲА

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмита қошидаги ташвиқот тарғибот гуруҳи Сирдарё ва Жиззах вилоятлари пахта далаларида бўлиб қайтдилар.

Гуруҳ аъзолари Сирдарё вилояти Оқ Олтин туманининг Сардоба, Чинобод, Тоиров номли ширкат-хўжаликлари, Мирзаобод туманининг Беруний номли, Ш. Рашидов туманининг Ш. Рашидов ширкат хўжалиги далаларида бўлишиб, у ерда пахтакорларга яқиндан ёрдам бераётган хашарчилар билан учрашувлар ўтказишди.

Гуруҳ таркибидаги «Мўтти» театр-студияси ўзининг ичак узди ҳангомалари билан пахтакорларга манзур бўлишди.

Жиззах вилоятида тарғибот-ташвиқот гуруҳига яқиндан ёрдам берган Жиззах вилояти музикали драмма театри актиёрлари дала меҳнаткашларига ўз санъатлари билан манзур бўлишди. Алоҳида ўрнак кўрсатган пахтакорларга Ёшлар Иттифоқи МҚнинг Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**З. Қурбонов.**

*Хоҳ ёқсин, хоҳ ёқмасин*

## ЧОРРАҲАДА

Қариндошлар орасида ҳайдовчилари кўп. Бирови 20—30 йилдан, бирови 2—3 йилдан бери шу касб билан машғул. Шахсий машина олганлари ва куни кечагина ҳайдовчилик мактабини битирганлари ҳам бор. Тўй-маъракалардами ёки бирор сабаб билан йиғилишиб қолганимиздами «гап улоғи» ҳамиша ўшаларники. «Свечасини алмаштирувдим, барибир...», «Аккумуляторим чатоқ...», «Кеча сал қолди биттасини уриб олишимга...» ва ҳоказо. Бу ёғини энди эшитаверасиз.

Яқиндан уларнинг магнит тасмаларида янги «қўшиқ» пайдо бўлибди. Жуда ғалатиси.

— Умуман чорраҳада қизил чироқни кўрсам, безиллайдиган бўлиб қолибман, — деб бошланади у.

— Машинангиз тўхтар-тўхтамас шундоқ бурнингизнинг тепасига қўндирилган кўзойнакдек бўлиб бирор такасалтанг йўл тўсади. Чўнтак ковламагунингизга қўймайди. Баъзан кавлаштиргунингизча бўлмай, яшил чироқ ёниб қолади. Орқангизда турган машина эгаларининг ҳай-ҳайлашига қани энди қулоқ солса! Бир-икки марта шошганимдан беш сўм деб эллик сўмлик бериб юборибман. Тоза қизиқ ишлар бўляптида.

— Тунов куни биттаси силагандек қилиб туртиб ҳам олди. Худо кўрсатмасину агар бирор кор-ҳол бўлса, ҳеч кимни айблолмайсиз ҳам.

— Энг қизиғи, баъзи ГАИчилар ҳам кўриб туриб индашмайди. Ҳайрон қоласан киши...

Масалан, мен ўзим юрадиган чорраҳада бу ҳангома бот-бот қайтарилмоқда. Бу «йўлтўсарлар» ДАН ходимлари кўз ўнгида ўз фаолиятларини амалга ошираётирлар. Уларни «ҳай» деб тартибга чақирадиган мард йўқ. Худо кўрсатмасин, ҳайдовчилар куйиниб айтгандек, бирор кор-ҳол юз берса, ким жавоб беради?

Халқимизда «ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл» деган гап бор. Ҳамма нарсанинг чеки-чегараси бўлгани яхши.

Замона эркин, ким нимани хоҳласа, шуни қила беради, дейиш калтабинликдан бўлак нарса эмас. Шаҳарни қаранг, бўлаётган ўзгаришлардан кўзингиз қувнайди. Кенг, равон кўчалар, осмонўпар бинолар, салобатли саройлар...

Бинобарин, ҳаёт тарзимиз ҳам, ўзгаришларга муносабатимиз ҳам замонамизга яраша бўлиши керак. Тартиб-қоида барча учун баравар. Барча унга бўйсунишга мажбур. Қолаверса, шаҳар бедарвоза эмаслигини баъзан-баъзан ўзимиз ҳам эслаб турсак ёмон бўлмас эди. Ана шунда...

**Муҳаммад**
**ЗАЙНИДДИН.**

*«Ҳосил-95»*

## ЧАНОҚЛАРДА ТОШҚИН ДУРДОНА...

**... Митан қўрғонини қоқ иккига бўлиб ўтган кенг ва катта йўлдан карвонлар силсиласи сира узилмайди. Айниқса кеч кириб, атрофни куз оқшоми чулғаганда бу манзара янада яққол кўзга ташланади. Пахта йўли ана шундай ойдин, серфайз ва баракали. Биз ҳозир мухтасаргина ҳикоя қилмоқчи бўлган Митан пахта қабул қилиш пункти ҳам ана шу ҳудудда...**

Биз Митан пахта қабул қилиш пунктига кечга яқин етиб бордик. Бу ерда шу куннинг қайноқ ва жўшқин манзараси ҳукмрон. Пункт дарвозаси гўё истиқболга қучоқ очгандай таассурот уйғотади. Пахта ортган карвонлар бирин-кетин келиб турибди. Кузнинг таровотли оқшоми эмасми, кўкда ой ва юлдузлар нур сочади. Бу ойдинликка пахтамизнинг оппоқ ранги қўшилади-ю, нигоҳингизни ҳам, дилингизни ҳам шу ёруғлик нурафшон этади.

Катта дарвозабон Лутфулла Маллаев бизни қарши олади. У тиниб-тинчимас, сезгир, талабчан назоратчи. Зеро, унинг вазифаси шундай қаттиққўлликни талаб этади. У бизни пахта пункти ичкарисига бошлади.

Пункт мудири Жўрақул Ортиқович ғоят дилкаш, хушчақчақ, ҳазил-мутойибага ўч. У тўрт йилдан бери шу корхонада мудир. Аслида бу соҳада ишлаётганига кўп йиллар бўлди. Эндиликда у шу соҳанинг одами.

Жўрақулжон бизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Қабул пунктимиз ўтган йилги мавсумда 7 минг тоннадан зиёдроқ ҳосилни пешмапеш қабул қилган бўлса, бу йил 4 минг 520 тонна хомашёни бунтлашни режалаштирган эдик. Ҳозирнинг ўзида бу рақам салмоғи 5 минг 240 тоннадан ошиб кетди. Иншооллоло, деҳқонларимизнинг омади келгани рост бўлсин. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Туманимизнинг Митан ҳудудидаги «Уч қаҳрамон», Элибой Қорабоев номли, «Меҳнат-роҳат», «Ҳақиқат», Шариф Одилов номли деҳқон хўжаликлар уюшмаси пахтакорлари яхши маънода бизни шоширтириб қўйишяпти. Жамоамиздаги 40 нафар кишининг ҳар бири бугунги кунда масъул.

Албатта, ҳосил мавсумига олдиндан пухта тайёргарлик кўриб қўйган эдик. Чунончи, 7 та «ПЛА-20»-пахтани транспортёрга узатувчи мослама, 7 та «ТЛХ-18» механизми, 5 та ҳаво сўргич, 218 та бризент ва бошқа зурур асбоб-ускуналар тайёр ҳолга келтириб қўйилди. Лаборатория, тарози ва саралаш шохобчалари мавсумга тахт қилинди. Умуман, мавсум учун зарур ҳужжатлардан тортиб таъмирлашгача ҳамма-ҳамма ишлар пухта адо этилди. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, дейди халқимиз. Мавсумнинг энг долзарб кунларида хўжаликлардан 350 тоннагача «оқ олтин» қабул қилаяпмиз.

Дарвоқе, саралаш зонаси — бу ерда 1-зона аталади. Товаршунос Ғафур Алиев, лаборатория бошлиғи Меҳриддин Собиров, унинг ёрдамчиси Акрам Ҳалилов ва бошқаларнинг иши бугунги кунда ғоят тиғиз, масъулиятли. Пункт мудири Жўрақул Маманов жамоага бош-қош, ҳар бир юмушда тадбиркор. Шунингдек, Исроил Бобоев бошчилигидаги бунтловчилар — Ренат Юнусов, Илҳом Туйғунов, Йўлдош Янгибоев сингари ишчиларнинг ғайрат-шижоати ҳам таҳсинга лойиқ.

Биз пункт дарвозаси ёнида пахта ортган корвонларнинг бир гуруҳ вакилларини суҳбатга чорладик. «Ҳақиқат» деҳқон-хўжаликлар уюшмасидан вакил, ҳисобчи Абдулла Чўтбоевнинг айтишича, хўжаликда 8 та деҳқон хўжалиги мавжуд. Тўрақул Юзбоев етакчи бўлган «Алпомиш» деҳқон хўжалиги заршунослари пешқадамлар сафида боришаяпти. Элибой Қорабоев номли деҳқон-хўжаликлар уюшмасидан ака-ука Мансур ва Бахтиёр Мамадиёровлар ўзларининг «Пастки Баҳрин» деҳқон хўжалигида 9 гектар ерда деҳқончилик қилишларини айтишди. Бу ерда ҳосилдорлик 30 центнерга етади. Боғдод Муродова, Сайёра Қосимова, Илҳом Муродов, Сайёра Мамановалар хирмонга барака киритишда астойдил ғайрат кўрсатишяпти.

Жўра Маҳмудов номли деҳқон-хўжаликлар уюшмаси раиси,ёш ва тадбиркор инсон Саидвали Сайдурасулов хўжалик заршуносларининг бугунги ҳаётига қисқача таъриф берди: «Деҳқонларимизнинг келажакка ишончи баланд. Аҳдимиз-ҳосилдорликни 34 центнерга етказиш. Хўжалигимизнинг Абдуғофур Абдулаҳатов бошлиқ бригадаси фидокорлари бу йил 48 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштиришди. Махфират Қаршиева, Барчин Абдулаҳатова, Зилола Азизова, Зарифа Жаҳонгирова сингари пешқадам оилавий звеноларда ҳосилдорлик бугунгача 33 центнерга етди. Зайнаб Холбекова, Роқия Абулаҳатова, Ойрўзи Холбекова, Яхшигул Сангирова ва бошқа юзлаб теримчиларимиз мавсумда илғорлик қилмоқдалар. Ҳосилни пахта қабул қилиш пунктига етказиб беришда Олим Усмонов каби тракторчиларимизнинг шижоати беқиёс.»

Ҳа, бугунги масъулиятли дамларда Иштихон тумани пахтазорларида меҳнат завқи ўзгача. Туман заршунослари ҳар йилгидек мавсумни ва йилни ёруғ юз билан якунлашга қатъий азму қарор қилишган. Туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Собир Муродовнинг ишонч билан айтишича, иштихонликлар албатта ўз аҳдларига вафо қилишади. Айни кунларда туманнинг «Иттифоқ», Охунбобоев номли деҳқон-хўжаликлар уюшмаси пахтакорлари маррага етиб келдилар. Бу карвоннинг сафини бирин-кетин бошқа хўжаликлар тўлдиради... Иштихон дурдонаси чаноқларда тошқин-тошқин!

**Абдулла ТУРДИЕВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Иштихон тумани.**

## ОВУЛ ШАҲАРГА ҚЎШИЛДИ

Қизилқум бағридаги шаҳар — Зарафшонда якка тартибда уй-жой қурилишига катта эътибор берилаётир. Шаҳарнинг 19-микрорайони ана шундай лойиҳа асосида қурилади. Яқиндан бошлаб Томди туманининг Абай номли овули ҳам шаҳар таркибига киритилди. Бу ерда якка тартибда уй-жой қурувчилар учун ер ажратиб берилди. Ҳукумат қарорида кўзда тутилганидек, уй-жой қурувчилар 30 фоиз арзон нархда бинокорлик материаллари билан таъминланади. Шу мақсадда Зарафшон қурилиш бошқармаси хориждан шлакоблок ишлаб чиқарадиган ускуналар келтириб ўрнатди.

**И. ХУДОЙҚУЛОВ,**
**(ЎзА).**

# МУҚАДДАС ЭШИК

**Қиз ўстираётган хонадон муқаддас саналади. Негаки, унинг остонасига бош уриб совчилар келишади.**

Қай бир хонадонда овози дўриллаб, мўйлаби сабза уриб йигит вояга етяпти. Не бахтки, ўзга оилада падарбузруквори, акалари олдида ийманиб-тортиниб, нафис гулдай ҳаё ила бош эгиб, дуркунгина қиз камолга етиб келяпти. Уларнинг бир-бирига изҳори дили ўғринча қарашдан нарига ўтмайди. Тўғринча ишни ёши улуғлар бошлаб беришади. Аввало йигитнинг отаси, амаки-тоғалари иззат-ҳурматини қаттиқ асраганча қизнинг ота бошлиқ қариндошлари олдидан ўтишади. Розилик аломатини сезишгач, аёллар — куёв бўлмиш йигитнинг онаси, амма-холалари қизникига совчиликка боришади. Аёлларни биласиз, гап деса, тўй деса ҳоридими йўқ, бисотларидаги энг гўзал сўзларни инжудай тизиб ташлашади.

Малоҳатлию ибо-ҳаёли қизларнинг қадимда мана бундай таърифи ҳам бўлганки, бундай сифатлар бир қараганда бизга ғалати туюлиши мумкин:

*Кўзлари кўр қизингни,*
*Қўллари шол қизингни,*
*Тиллари лол қизингни,*
*Оёғи ланг қизингни,*
*Қулоғи кар қизингни,*
*Бургут кўзли ўғлимга,*
*Эпчил қўлли ўғлимга,*
*Бийрон тилли ўғлимга,*
*Учқур оёқ ўғлимга,*
*Ўткир қулоқ ўғлимга*
*Сўраб келдик, сингилжон.*

Кўзлари кўр — ҳали бирорта номаҳрамга қарашга юраги бетламаган, одоб-ҳаёси бодуруст, иболи дегани. Бундайларни халқ жиндек муболаға аралаш меҳр билан онаси ўпмаган қиз, дея таърифлайди.

Тиллари лол — ҳуда-беҳудага гапиравермайдиган, оғзидан бирон ножўя сўз чиқмайдиган, қўни-қўшни қаттиқ овозини эшитмаган, ор-андишали дегани.

Оёғи ланг — атак-чечак юра бошлаганидан буён бирор чакки қадам босмаган, ёмон йўлга юриш тугул сал эгри одим ташламаганига ишора.

Қулоғи кар — яхши-ёмон, керак-нокерак суҳбатга вужудини қулоқ қилиб эшитишга шайланиш нари турсин, ўзига алоқаси бўлмаган бирор сўзни тинглашга ийманадиган бўлиб ўсганидан далолатдир.

Йигитнинг таърифи ўз-ўзидан тушунарли. Одатда рўзғор боқишдек шарафли вазифани ўз зиммасига мардонаворлик билан оладиган эр кишининг кўзлари бургутникидек ўткир, қўллари ҳунарли, сўзи кескир, оёғидан ўт чақнайдиган, қулоқлари минг чақирим наридаги воқеаларни англаш даражасида сезгир бўлмоғи керак. Ана шундагина ёш оила ўзгалар қўлига қарамликда эмас, мустақил, демакки, аҳил ва тотувликда умрлари сўнгигача бирга яшай олиш имконига эга бўлишган.

***

Шундай қилиб денг, минг таваллo, ваъда билан қиз томонни ийдириб, жавоб олган аёллар қўли олти, оёғи етти бўлиб тўй тараддудига тушадилар. Лекин ҳали севинчи ичида, унча-мунчага билдирмай, эшиттирмай енг ичида иш кўришади. Дўстдан кўп душман, яхшидан кўп ёмон деганларидай, қиз томон бировнинг гапига кириб сўзидан тониб, тўнини терс кийиб ўтирса, палончига қиз беришмабди, деган миш-мишлардан орияти кучли ўзбек номус қиладида. Шунинг учун тўлиб-тошиб келинникига боришади. Иш пишгач, эл-юрт, қариндош-уруғни чорлаб очиқчасига фотиҳа тўйи ўтказишади. Қўй ё бузоқ, тўққиз-тўққиз нон-патир, қатлама, ёғли чўрак, қанд-қурс, чой... олиб яна қизникига равона бўлишади. Қиз томон яхши ният билан оқлик дея қудаларнинг пешонасига патнисда шира аралаш ун олиб чиқиб суртади. Фотиҳа тўйида асосан пайғамбаримиздан қолган табаррук таом бўлганидан ширгуруч, оқлик дея қатиқ тортилади. Товоқлар олингач, ходима аёл эзгу ниятлар билан фотиҳа ўқийди: омин, кутли муборак бўлғай, қўшгани билан қўша қаригай, ёйилиб-ёзилгай, қўралиб-тузалгай.

Сўнг шу кунларга ниятлаб олиниб, ишлатилмай аяб қўйилган — янги катта дастурхон, патнисда ноз-неъмат кўпайсин деган маънода туршак аралаштирилиб, ходим хола олдига қўйилади. Ҳамманинг рухсати билан ўртага ўтириб олган ходим хола яна қудаларга ўша нарсалардан улашиб чиқади. Кейин минора қуббасидай баланд қилиб ишланган йирик шоха новвотни бир-бирига уриб ўнгми-ўнг, дея овоз чиқариб синдирадилар, бу энди қизга қанд синдирилди, у банд, бошқалар келиб-кетиб овора бўлиб юрмасин, дея овоза қилинганидир.

Тўй куни келинни олиб кетгани қудалар кириб келиши билан халфалар йигит томонни шарафловчи ойдин қудалар галди, кетишларида эса боринг бошланг, ўнглар бўлгай тўйингиз, қўшиқларини айтишади. Бу — тўйга рухсат берилганига ишора. Кейин қизни келин арава (ҳозир машина)га солишдан олдин тўпиғигача тушадиган узун оппоқ никоҳ кўйлак, калиш-маҳси кийдириш, гўшанга тикиш маросими бўлади. Қизлик эркидан воз кечолмай эркалиги, беғубор, беғам болалиги ўтган қадрдон уйини тарк эта олмай йиғига тушган қизни овутиш учун қўшиқ айтилади:

*Аввал бошлаб худони*
*Ёд этали ёр-ёр.*
*Пайғамбарлар руҳини*
*Шод этали ёр-ёр.*
*Одам билан Ҳаввони*
*Бир яратган Оллони,*
*Муҳаммад Мустафони*
*Ёд этали ёр-ёр.*
*Зиндондаги Юсуфни,*
*Нола қилган Ёқубни,*
*Қуртлар еган Аюбни,*
*Ёд этали ёр-ёр*
*Юсуф билан Зулайҳо*
*Ёр эдилар ёр-ёр.*
*Бир-бирини кўрмакка*
*Зор эдилар ёр-ёр.*
*Ло илоҳо иллоллоҳ*
*Ҳурматидин ёр-ёр.*
*Фотимаой Зуҳронинг*
*Шафқатидин ёр-ёр.*
*Борғил болам, бор болам*
*Бахтинг бўлсин ёр-ёр.*
*Сулаймоннинг тахтидек*
*Тахтинг бўлсин ёр-ёр.*
*Қизил гуллар ичинда*
*Булбул эдинг ёр-ёр.*
*Отанг билан онангнинг*
*Гули эдинг ёр-ёр.*
*Ҳафтияклнинг ўртаси*
*Таборакдир ёр-ёр.*
*Бика қизим тўйларинг*
*Муборакдир ёр-ёр.*
*Жоним қизим тўйинда*
*Боғни очинг ёр-ёр.*
*Уйда қизлар бошига*
*Тилло сочинг ёр-ёр.*
*Игнам учи синди деб*
*Урдинг энам ёр-ёр*
*Энди кетиб бораман*
*Тиндинг энам ёр-ёр.*
*Олтин ошиқ ўйнаган*
*Ўғлинг бўлғай ёр-ёр.*
*Кумуш қошиқ ўйнаган*
*Қизинг бўлғай ёр-ёр.*

Бу азалий, гўзал, бетакрор удумларимизни ёдга олишдан мақсад биз бир умр курашиб келаётган исрофгарчиликка ва ё қадр-қимматни сарф қилинган пул билан ўлчашга ундаш эмас, асло. Аксинча, ҳаётга бир марта келадиган инсон боласининг умрида бир марта бўладиган никоҳ тўйини ярашиқли, эсда қоларли қилиб ўтказишга ундашки, бу маросимлар, ширин ташвишлар оиладай муқаддас қўрғонни осонликча, бир зарб билан забт этиш мумкин эмаслиги, демакки, уни авайлаб — асраш, эҳтиётлаб яшашга даъватдир. Истардикки, бўлғуси қуда томонлар бир умрлик қариндошлик қасрига келаётганликларини ҳис қилган ҳолда иззат-эҳтиром билан турмуш остонасида турган ёшларга ўрнак бўлсинлар. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида икки томон бир-бирига мурувват билан муомала қилсалар. Хуллас, диллар дарз кетмасин. Зотан, қолган кўнгилни наинки қимматбаҳо латта-путта, олтин билан ҳам олиб бўлмас.

**Уллибиби ОТАЕВА,**
**Хоразм.**



# ЖАҲОН ҲАФТА ЎРТАСИДА

## ЎҚИДИНГИЗМИ, ЭШИТДИНГИЗМИ?

ОЗАРБАЙЖОН. Баку метросида юз берган ёнғин натижасида 289 киши ўлган ва қарийб шунча киши жароҳат олган. Ҳалок бўлганларнинг 28 нафари болалар бўлса, 126 нафари аёллардир. 57 кишини эса шу пайтгача таниб бўлмади.

Юз берган фожеа муносабати билан Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев мамлакатда икки кунлик мотам эълон қилди.

РОССИЯ. Мамлакат Президенти Борис Ельцин марказий клиник касалхонага ётқизилганига тўрт кун бўлса-да, ҳозирча айтарли ўзгариш йўқ. Врачлар унинг саломатлигига салбий таъсир қилишидан ҳавотирланиб ҳатто Президент ҳузурига унинг девони ходимлари ва ёрдамчиларини ҳам йўлатмаётирлар.

МИСР. Хусни Муборак АҚШ конгрессининг Исроилдаги ўз элчихонасини Тель-Авивдан Қуддусга кўчириш ҳақидаги қарорини қоралаб, бу қарор на Вашингтон, на Яқин Шарқда тинчликни ўрнатиш манфаатларига хизмат қилмайди, деб баҳолади. Унинг фикрича, бундай қарор можарони тинч йўл билан ҳал қилишга тўсқинлик қилади, холос.

ФРАНЦИЯ. Халқаро норозиликка қарамай Франция ядро қуроллари синовини давом эттирмоқда. Яқин бир-икки ой ичида у Тинч океанининг жануби-шарқий қисмига жойлашган Муруроа атолласида учинчи марта ер остида ядро қурилмасини синовдан ўтказди. Бу галги портлаш 60 килотонн қувватга эгадир.

ТАИЛАНД. Мамлакат пойтахтининг деярли ярми сув остида қолди. Бунга сабаб Чао-Прая дарёсининг ўз қирғоғидан тошганлигидир. Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, бундай воқеа икки аср муқаддам юз берган эди.

*Биласизми?*

# БИРОВЛАРНИНГ ЧЎНТАГИДАГИ ПУЛ

Бировларнинг чўнтагидаги пулни санаш одобдан эмас, албатта. Бироқ гап ўта катта миқдорлар ҳақида кетганда ўзни тийиб туриш қийин. Чамаси Америкада чоп этиладиган «Форбс» журнали ходимлари ҳам ҳар йили бир марта ана шундай одобсизликка йўл қўйиб, сайёрамизда яшайдиган кишилар чўнтагига кўз ташлаб, улар орасидан энг бадавлат ўн кишини эълон қилишга одатланиб қолишган бўлса керак.

Мазкур рўйхатга биз ҳам бир кўз ташлайлик-а. Қолаверса, «пешонаси ярқираган» бу омон бўлгурлар қай йўсинда бундай ҳайратомуз пулга эга бўладилар, деган саволга жавоб олиб қўйсак ёмонми?

Демак, бошладик. Шундай қилиб йил якунига кўра «ғаройиб ўнлик»нинг биринчи поғонасида америкалик ишбилармон Билл Гейтс турар экан. Унинг сармояси 12,9 миллиард долларни ташкил этади. Компьютер программасига ихтисослашган Билл ўзининг молиявий аҳволини кескин яхшилаган, яъни ўтган йилги сармоясига яна қўшимча 4,8 миллиард доллар фойда кўрган.

Яна бир америкалик — Уоррен Баффет иккинчи ўринга кўтарилди. Унинг учун бахтли келган йилда у ўз сармоясини 7,9 миллиарддан 10,7 миллиард долларга етказишга муваффақ бўлди. Бундай кескин юксалишга Баффет жамғармалар бозоридаги муваффақиятли операция туфайли эришди.

Учинчи ва тўртинчи ўринларни айри кўрсатишнинг иложи бўлмади. Чунки швед ишбилармони Ханс Раусин ҳам, япон бизнес вакили Йосиаки Цуцуми ҳам бир хилда кўрсаткичга, яъни ҳар бири 9 миллиард долларга эгадирлар. Қадоқлаш бизнеси соҳаси мутахассиси бўлган швед учун учинчи бўлиш фахрли бўлса ҳам, аммо бу таскинли сўзни япон миллиардерига нисбатан қўллаб бўлмайди. Гап шундаки, сўнгги ўн йил мобайнида Цуцуми мазкур ўзига хос «Рейтинг»да муттасил «биринчи рақам» соҳиби бўлиб келган эди. Чамаси, кўчмас мулк савдоси ўтган йили Японияда унчалик фойда келтирмаган кўринади. Эҳтимолки, буни мамлакатда анчайин чўзилиб кетган иқтисодий турғунлик боис дунёда япон капиталининг мавқеи сусайиб бораётганининг бир кўриниши, деб баҳолаш мумкиндир.

Қолган ўринлар эса қуйидагича тақсимланди. Швейцариялик доришунос Пауль Захер бешинчи ўринда бораётир. Бутун оламга донғи кетган Швейцария банки вакилларининг Пауль Захер билан ёнма-ён эмасликлари ажабланарли, албатта. Бинобарин умумий рўйхатнинг олтинчи поғонасини тайванлик Цай Ванлик эгаллаб турибди. Суғурта ва молиявий фаолият билан шуғулланувчи бу кимсанинг пули 8,5 миллиард долларни ташкил этади. Агар ҳар томонлама салоҳиятли инсон канадалик Кеннет Томсон бўлмаганда, рўйхатнинг давоми фақат осиёликлардан иборат бўлиб қоларди. Ўтган йили унинг оммавий ахборот воситаси, чакана савдо ва кўчмас мулк соҳаларида ишлаб туриб ўз капиталини 6,5 миллиард долларга етказишга ва Гонконгда кўчмас мулкка ихтисослашган Ли Шауки билан 7-8 ўринларни бўлишиб олишга муваффақ бўлганини катта ютуқ деб баҳолаш мумкин.

Тўққизинчи ўринда 6,2 миллиард доллар соҳиби бўлмиш жанубий кореялик Чон Чжу Юн бораётир. Бу сармоя эркин маблағларни турли корхоналарга жалб этиш эвазига келганлиги кишини ҳайратга солади. Демак...

Энг бадавлат инсонлардан тузилган ўнликнинг охирида Гонконг вакили Ли Кашин бормоқда. Кўчмас мулк ва инфраструктура соҳаларида ишлаётган чарчоқ билмас бу одамга 6 миллиардлик чегарани кесиб ўтишга «бор-йўғи» 100 миллион доллар етмади.

Бу рўйхатни эълон қилган журнал унга қирол оиласига мансуб зотлар ва давлат раҳбарлари киритилмаганлигини эслатиб ўтади. Масалан, Бруней султони эга бўлиб турган маблағ 30 миллиарддан ортишини ҳамма ҳам билмаса керак. Аммо бу бойлик иқтисодий соҳадаги хизматлар эвазига бўлмай, меросга эгалиқ туфайли қўлга киритилгандир.

Умуман олганда, йил сайин миллиардерлар клуби кенгайиб бормоқда. Айни вақтда дунёда сармояси 1 миллиарддан ортган шахслар сони 388 нафарни ташкил этади. Ўтган йили улар 358 нафар эдилар. Унчалик катта бўлмаган гуруҳда умумий ҳисобда 893 миллиард доллардан кўпроқ пул тўпланган.

Агар мамлакатлар бўйича тақсимлайдиган бўлсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади: АҚШда миллиардерлар сони 129 нафар, Германияда — 53 нафар, Японияда — 37 нафар, Гонконгда — 14 нафар, Таиландда — 12 нафар, Францияда — 11 нафар, Индонезияда — 10 нафарни ташкил қилади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, иқтисодий бўҳронлар хуруж қилиб турган мамлакатларда миллиардерлар сони қисқариб бораётир. Масалан, Мексикада пул қадрсизланиши оқибатида миллиардерлар сони 1994 йилда 24 нафар бўлса, 1995 йилда 14 нафарга тушиб қолди.

Сўзимизнинг охирида «Форбс» журнали МДҲ мамлакатлари бойлари ҳақида ҳеч нарса демаганини қайд этишимиз лозим.

*Ранг-баранг олам*

# 61 — МАРТА УЙЛАНМОҚЧИ!

38 ёшли мисрлик Халед Ашта шон-шуҳратга эришишнинг ғаройиб йўлини танлади. У Геннис рекордлар китоби мутасаддиларига йўллаган мактубида шу пайтгача 60 марта уйланганини, лозим бўлса 61-марта ҳам уйланишга тайёр эканлигини ёзади.

Халед биринчи марта 17 ёшида Ливанда уйланган. Афсуски, фуқаролар уруши чоғида у хотини ва ўғлидан айрилади. Шундан бери кемада денгизчи бўлиб ёлланиб ишлайди. Шундан бери... У ҳар портда уйланиб, яна ажрашади. Собиқ хотинларининг 17 нафари ўз ватандошлари бўлса, 43 нафари 28 миллатга мансуб хорижлик аёллардир. Қизиғи шундаки, янги танишган аёлларга ўзининг ўтмишини яширмай ҳикоя қилиб бераверади. Лекин у ҳақиқий мусулмон. Яъни, Халед ҳеч қачон бир йўла тўрттадан ортиқ хотинни никоҳида ушлаб турмаган.

*Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллигига*

# УЙҒОНИШ ДАВРИ ВАКИЛИ

***Кўҳна Туркистон заминида азалдан жаҳон фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Айниқса, Ўрта асрларда бу воҳада илм-фаннинг турли соҳаларига доир ўлмас асарлар яратган машҳур олимлар яшаган. Аниқ фанлар — математика, кимё, фалакиёт, тиббиёт соҳасида мисли кўрилмаган янгиликлар яратилди. Тилшунослик, адабиётшунослик, шеърият, фалсафа фанлари тараққиётида кескин кўтарилиш бўлди. Бу давр Туркистон Ренессанси - уйғониш даврининг бошланиши эди.***

### МУҚАДДИМА

Алломанинг тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий бўлиб, у ҳижрий 467 сана ражаб ойининг 27 куни (мелодий 1075 йилнинг 19 мартида) Хоразмнинг катта қасабаларидан бири — Замахшар қишлоғида таваллуд топди. Замахшарий ҳақидаги маълумотлар асосан ўрта аср араб манбаларида келтирилади. Отаси унчалик бадавлат бўлмаса-да, саводли, тақводор, диёнатли киши бўлган ва аксар вақтини Қуръон тиловатию намоз ўқиш билан ўтказиб, Замахшардаги бир масжидда имомлик ҳам қилган. Замахшарийнинг онаси ҳам тақводор аёллардан ҳисобланган. Замахшарий шундай яхши оилада камол топган.

Алломанинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотлардан яна шу маълумки, унинг бир оёғи ёғочдан бўлган. Тарихчилар бу ҳақда: «Бир оёғи ёғочдан эди ва узун яктагини тушириб кийгани учун кўрган одам уни чўлоқ деб ўйларди» деб ёзганлар. Манбаларда унинг чўлоқлиги сабаби тўғрисида ҳам турли ривоятлар келтирилади. Отаси уни оғир меҳнатга ярамайди, деб бирор ҳунарни эгалласин деган ниятда кийим тикувчи устага шогирдликка бермоқчи бўлади. Бироқ ёшлигидан илмга ҳавасманд ўсган Маҳмуд отасидан ўзини мадрасага юборишни сўрайди. Ўғлидаги илмга бўлган зўр иштиёқ ва ҳавасни сезган отаси уни мадрасага беради.

Ёш Замахшарий мадрасада ўқитиладиган илмларни, айниқса, араб тили ва адабиёти, диний илмларни пухта эгаллашга киришади, ўша даврда илм аҳли орасида қадрланган ҳаттотлик санъатини ҳам мукаммал эгаллаб, ўз тирикчилигини бирқадар тузатади. Сўнг, араб тарихчиси ва биографи Ибн Халликоннинг (1211 — 1288) ёзишича, талабалик ёшига етгач (17 ёшларда) билимини янада ошириш ва ҳар томонлама камол топтириш мақсадида Бухорога йўл олади. Афтидан, Замахшарий Бухорода таҳсил кўриб юрган йиллари унинг отаси вафот этган кўринади. Чунки у ўз девонига кирган шеърларидан бирида вафот этган отасини кўра олмай қолганлиги, дийдорига тўймаганлиги, «бир том остида ётиб қасалига малҳам бўла олмаганлигини» зўр таассуф ва чуқур аламу ҳасрат билан ёзади. Замахшарий Бухорода ўқишни тугатгач, бир неча йил Хоразмшоҳлар хизматида бўлади. Бироқ қобилияти, илми, фазилатига яраша бирор мансаб ва муносиб эътибор кўрмагач, қолган умрини илм-фанга бағишлашга, асарлар таълиф этишга қарор қилади.

### ИЛМ ИЗЛАБ

Тилни чуқурроқ ўрганиш, луғатлар тўплаш учун олим 1118 йилда Арабистонга йўл олади. Бу пайтларда унинг номи олимлар орасида жуда машҳур эди. Шунинг учун ҳам Бағдод олимлари Замахшарийни илиқ кутиб оладилар. Олим бу ерда ханафиларнинг имоми бўлган Домғони ва Шариф ибн Шажарий билан ҳам учрашади. Бағдод алломалари Замахшарий истеъдодига яна бир карра тан беришади. Замахшарий Бағдоддан Маккага ўтиб ҳаж қилади. Беш йилча шу ерда туриб қолади. Кунлари илм билан машғул ўтади. Бу ҳудудда яшаган қабилаларни, уларнинг касби-корларини, тил хусусиятларини ўрганади. Ҳар бир сўз устида текширишлар олиб боради. Араб мақолларини йиғади, уларнинг қайси қабилаларга мансублигини аниқлайди. Араб грамматикасига оид қоида-қонунларни тўплайди, сўнг шу ерда Маккада араб тили грамматикасига оид «ал-Муфассал» китобини ёзишга киришади ва бир йилу тўрт ой деганда — 1121 йил март ойида асарга сўнгги нуқтани қўяди.

Таажжубланарлиси шундаки, уни арабларнинг ўзлари ҳам аҳамият бериб ўргана бошлаганлар. Ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музафариддин Мусо Замахшарийнинг «ал-Муфассал» номли китобини кимда-ким ёд олса, унга беш минг кумуш танга пул ва сарупо совға беришни ваъда қилади. Асар то ҳануз ўз қимматини йўқотгани йўқ. Кейинги асрларда араб тилини ўргана бошлаган Оврупа олимлари ҳам бу асардан кенг фойдаланганлари бунга исбот бўла олади.

Замахшарий Маккада у ернинг адиблари, олимлари ва луғатнавислари билан доим алоқада бўлади. Айниқса, Макка волиси Ибн Воххос Сулаймоний билан бўлган дўстлик унга кўп нарсаларни аниқ билишга имкон туғдиради. Чунки Ибн Воххос ҳоким бўлиши қаторида жуда билимдон олим ҳам эди. У ўз мамлакатининг жуғрофияси билан ҳам яхши таниш бўлган. Замахшарийнинг «Китобу-л-Жибол ва-л-амкина ва-л-мийоҳ» (Тоғлар, ўлкалар ва сувлар китоби) асарининг майдонга келишида ибн Воххоснинг салмоқли ҳиссаси бор. Асар Арабистон ярим оролининг жуғрофик объектларидан хабар берувчи луғатдир. Асар ўша давр одатича араб тилида ёзилган бўлиб, ўз замонасининг машҳур асарларидан бири ҳисобланган. Замахшарий ўз асарида фақатгина жуғрофия фанига тегишли маълумотлар бериш билан чегараланиб қолмай, филология соҳасига ҳам оид жуда кўп материаллар — ўша давр шеър ва мақолларидан кўпгина намуналар келтирган. Натижада бу луғат икки тенг соҳани — жуғрофия ва филологияни маълум бир даражада бўлсада, қамраб олувчи асар даражасига кўтарилган. Илмий текширишларни тамомлагач, олим ўз Ватани — Хоразмга қайтиш истагида бўлади. Олимнинг бу қароридан у ердаги олимлар жуда ҳасратланадилар. Ўз ҳасратини ифодалаб ибн Воххос Сулаймоний бундай дейди: «Хоразм фазлу камолат, саховат жойига айланди. Жоруллоҳ Маҳмуддан айрилиб қолиш ҳасратида Макка ерининг кўзлари ёш тўкади. Агар фазилат эгалари фазлининг иззати билан маъбуд бўладиган бўлса ислом алломаси Замахшарий — менинг маъбудим бўлар эди».

Бу шеърий мадҳ Замахшарийнинг шу даврда нақадар шуҳрат қозонганлигини ва бутун шарқ оламига танилганини ифодалайди.

### ВАТАНДА

Қайтиб келгандан кейин олим ўзининг энг кўп танилган «Муқаддамату-л-адаб» асарини ёзди. Бу асар араб тили учунгина эмас, балки бошқа тиллар учун ҳам муҳимдир. «Муқаддамату-л-адаб» адабга кириш демакдир. Асарнинг туб моҳияти ва унга юкланган вазифаларни аниқ тасаввур қилиш учун луғат номидан «адаб» атамасига эътибор беришимиз керак. X — XII асрларда адаб деганда умум таълим фанларининг йиғиндиси тушунилар эди. Адабни тўла-тўкис эгаллаган киши — адиб, Қуръон ва ҳадисларни чуқур ўрганган киши — олимга қарама-қарши қўйилади. Лекин бу икки гуруҳнинг ҳар бири жоҳилия шеърияти, грамматика, лексикография ва аруз вазнларини билиш лозим бўлгани учун мана шу жиҳатдан бир-бирига яқин туради. Адиб, яъни маданиятли, ўқимишли ва саводхон бўлиш учун умумтаълим фанларини билиш зарур экан, демак аввало, шу билимларни ўзлаштириш учун маълум сўз ва атамалар бойлигига эга бўлиш талаб қилинади. Замахшарий мана шундай мақсадни ўз олдига қўяди ва тузган луғатини биз ҳозирги кунда «тилшуносликка кириш», «адабиётшуносликка кириш» деганимиздек «Адабга кириш» (Муқаддамат-ал-адаб) деб атайди.

«Муқаддамат ал-адаб»нинг бир қанча қўлёзма нусхалари Берлин, Лейпциг, Лондон, Истамбул, Техрон ва Машҳад шаҳарларининг машҳур китоб фондларида сақланмоқда. Шунингдек, Санкт-Петербург ва Махачқала фондларида ҳам диққатга сазовор нусхалар бор. Биргина Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг А. Р. Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида шу асарнинг 7 қўлёзма нусхаси йиғилган. Ҳозирги кунда «Муқаддамат ал-адаб»нинг дунё кутубхоналаридаги қўлёзма фондларида йигирмадан ортиқ нусхалари мавжуд бўлса ҳам, улар орасида тўрт тилда кўчирилгани учрамайди. Тўрт тилдагиси фақат Тошкент шаҳридагина бор, холос!

Муқаддамат ал-адаб» бошда икки тилда (араб ва форс) ёзилган бўлиб, у араб тилини форс-тожик ва туркий халқларга ўргатиш мақсадини кўзда тутган. Араб тили ва грамматикасини мукаммал билган Замахшарий форс, хоразмий-туркий тилларини ҳам яхши эгаллаганлиги учун ҳам унинг мазкур йирик луғати муваффақиятли чиққан. Натижада «Муқаддамат ал-адаб» ўша даврнинг ўзидаёқ хоразмий-туркий тилга таржима қилиниб, уч тилли луғатга айлантирилади. Баъзи манбаларнинг кўрсатишича, Замахшарийнинг ўзи луғатни хоразмий тилига таржима қилган. Бу фикрнинг тўғрилиги эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки, муаллиф китобга ёзган сўз бошида асарни ўша даврда Хоразм шоҳларидан Отсизнинг илтимосига кўра унинг кутубхонасига ҳам бир нусхасини тайёрлаб тақдим қилинганлигини эслатади. Луғат мўғиллар истилосидан кейин мўғил тилига ҳам таржима қилиниб, оқибатда тўрт тиллик луғатга айланди.

«Муқаддамат ал-адаб» луғатнинг арабча қисми ҳамма қўлёзмаларда ўзгаришга учрамасдан кўчирилган. Форс-тожикча қисмда эса, қўлёзма кўчирилган даврларга қараб ўзгаришлар киритилган. Бу ҳолат учинчи тил бўлган туркий сўзларда ҳам яққол кўринади. Замахшарий яшаган даврга яқин бўлган вақтларда кўчирилган қўлёзма нусхаларидаги туркий сўзлар хоразмий тилида, кейинги даврлардаги сўзлар эса ундан фарқ қилган ҳолда ўша аср тили, шеваси асосида берилган. 1492 йили кўчирилган қўлёзмадаги туркий луғатлар XIV-XV асрдаги эски ўзбек (Чиғатой) тилида берилган. Асарнинг яқинда Туркияда топилган яна бир қўлёзма нусхаси 655 (ҳижрий 1257) йили кўчирилган бўлиб, форс ва XIII аср ўрталаридаги эски ўзбек тилидадир. Бу нусха кўчирилган йили бўйича энг эски қўлёзма ҳисобланади. «Муқаддамат ал-адаб»даги туркий лексикасининг ҳамма қўлёзмаларда бир хил бўлмаслиги ўзбек тили тарихини ўрганиш учун қизиқарли материаллар беради. Шунинг учун ҳам устоз Садриддин Айний айтиб ўтганларидек, «Муқаддамат ал-адаб» асари айниқса ўзбек тили тарихининг барча соҳалари бўйича текшириш ишлари олиб бориш учун жуда қимматли манбадир.

Замахшарий араб луғатчилигида сўз сирасининг содда, энг қулай шаклини ижод қилганлиги билан ҳам кўп ардоқланади. «Асосу-л балоға» деб аталган луғатида илк бор шу усулни қўллайди. Мазкур сўзлар энг аввало биринчи ҳарф ва ундан кейинги ҳарфларни ҳам назарга олган ҳолда алифбо тартибида берилади. Бу усул сал ўзгарган шаклда ҳозирги замон луғатнавислигида ҳам ҳануз қўлланиб келинмоқда. Замахшарийнинг сўзларни изоҳлаш борасида ҳам катта ютуғи бор! У сўзларнинг асл маъносинигина бериб қолмасдан, уларнинг кўчма маъноларини ҳам бериб, шу маъноларини тасдиқловчи мисоллар келтирган. Сўзларда кўчма маънолар пайдо бўлиш сабабларини ҳам кўрсатиб бера олган. Араб луғатнавислик анъанаси босиб ўтган бир ярим минг йиллик даврга назар ташланадиган бўлса, бу луғатга ўхшаши XII асргача ҳам ва у пайдо бўлган вақтдан ҳозиргача ўтган вақт ичида ҳам яратилганича йўқ.

Замахшарийнинг «ал-Фойиқ фи ғариби-л-ҳадис» асари ҳам луғат асари бўлиб, ҳадис ва адабиёт асарларида учрайдиган маъносини англаш қийин бўлган сўзларга бағишланган. Бу луғатнинг бизгача етиб келган бир неча қўлёзмалари мавжуд. Луғат икки марта — Ҳайдарободда (1906 й) ва Қоҳирада (1945 йили) амалга оширилган. Кейинги нашр олдингисига нисбатан анча пишиқ тайёрланган: Луғатнинг «Муқаддимаси» жуда қисқа, лекин иншо санъатининг намунаси бўла оладиган даражада.

Маҳмуд Замахшарийнинг асарлари билан яқиндан таниш киши уларнинг ҳаммасида забт қилиниши олдиндан режалаб қўйилган қандайдир юксак бир чўққи сари интилиш борлигини сезади. Бу чўққи фасоҳат дурлари билан безатилган балоғат илмининг чўққисидир. Замахшарий араб тилидаги фасоҳатини намойиш қилишга интилади ва унинг ҳамма давр тадқиқотчилари тан олгандек, бунга жуда яхши эришади ҳам.

### ТИРИКЛИГИДА ШУҲРАТ КЕЛТИРГАН...

Замахшарийнинг ғоятда кенг танилган ижод маҳсули бу «ал-Кашшоф» асаридир. Асарнинг тўлиқ номи «ал-Кашшоф ан хақоиқ ит-танзийл ва уйун ил-ақовийл фи вужуҳ ит-таъвийл» (Қуръон хақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш) бўлиб, у Қуръон тафсирига бағишланган. Маълумки, ўрта асрлардан бошлаб Қуръонни тафсир ёки шарҳ билан ўқиш одат тусини олган. Шу боисдан ҳам Қуръон нозил бўлган даврдан бошлабоқ унга бағишланган тавсирлар, шарҳлар ёзишга катта эҳтиёж сезилган. Турмуш тақозоси билан шундай вазиятда ислом тарихида Қуръонга бағишланган кўпдан-кўп тафсирлар, шарҳлар (асосан араб тилида) вужудга келган. Замахшарий ҳам тафсир ёзишдан аввал ўзидан олдин яратилган Қуръон тафсирига бағишланган кўплаб асарларни қунт билан ўрганган. «ал-Кашшоф» Замахшарий Маккада турган пайтида (1132—1134) ёзилган. Аллома ўз тафсирини ёзишда ҳар хил сабабларга кўра бизгача етиб келмаган тафсир, ҳадис, фиқҳ, илм ал-қироат, наҳв, сарф, адаб ва бошқа илмларга оид ўша пайтда машҳур бўлган кўплаб манбалардан унумли фойдаланган.

Немис шарқшуноси Карл Броккелман дунёнинг турли қўлёзма хазиналарида «ал-Кашшоф»нинг юзга яқин қўлёзмалари ва асарнинг ўзига битилган йигирмадан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар борлиги ҳақида ёзиши Замахшарий асарининг катта шуҳратидан далолат беради. Қоҳирадаги бутун дунёга машҳур ал-Азҳар диний дорилфунунининг талабалари ҳам Замахшарийнинг «ал-Кашшоф» асари асосида Қуръонни ўрганадилар.

Замахшарийнинг чуқур билими, даҳоси ва фаннинг турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқида унга катта шуҳрат келтирган. Алломани чуқур ҳурмат ва меҳр билан «Устоз ул-араб ва-л-ажам» («Араб ва араб бўлмаганлар устози»), «Фахру Хваразм» (Хоразм фахри) каби шарафли номлар билан атаганлар. Машҳур олимлар, шоирлар ва адиблар даврасида у доим пешволардан бири эди.

Қоҳирада етмишинчи йилларда катта харита нашр этилди. Бу харитада ислом динининг бошланишидан бошлаб, мусулмон оламида машҳур бўлган тилшунос, адабиётшунос, муфассирлар, фалсафа, тарих, адабиёт ва жамики фанлар йўналишида хизмат кўрсатган энг машҳур ва мазкур йўналишларга асос солган олиму-уламоларнинг расм ва номлари киритилган. Ўрта Осиёдан фақат ибн Сино расмлари-ю Маҳмуд Замахшарий номлари киритилган. Замахшарий асарларидан араб луғатнавислик тарихида тўртинчи мактабни бошлаб, асос солган асари — «Асосу-л-балоға» номи ҳам ёзиб қўйилган.

Юртдошимиз аллома Замахшарийнинг дунё қўлёзмалар каталогида кўрсатилмаган янги бир қўлёзма асарини Миср (Қоҳира) «Дору-л-кутуб» кутубхонасида борлигини аниқладик. Бу қўлёзма «Ўнта ўгит» деб номланган бўлиб, 21 саҳифадан иборатдир.

Замахшарий ижодида икки хил анъана: бир томондан, Аллоҳнинг моддий ва маънавий ҳаёт устидан ягона ҳокимлигини сақлаш учун бўлган интилиш, иккинчи томондан, инсоннинг ҳаётда маълум мавқега, мустақил фикрга, руҳий ва маънавий эркинликка, ўз турмуш, ақл-идрокка, реал орзу-умиди, ирода эркинлигига эга эканлигини кўрсатиш, исботлаш, намоён этиш учун кураш анъаналари хосдир. Замахшарий одам қанчалик билимдон бўлса, шунчалик камолотга эришишлигини қайта-қайта таъкидлар экан, бу билан киши Хақни танишга (яъни Худога) яқинлашади деб уқтиради. Илм ҳамма нарсадан юқори, у камолот чўққиси, унга интилиш керак. Зеро, аллома жуда тўғри таъкидлаганидек, машаққат чекмагунча фароғат топиб бўлмас.

**Ўткур ҚОРИЕВ,**
**Масъудали ҲАКИМЖОНОВ.**

*Сиз кутган учрашув*

# «ЮЛДУЗ ЭМАС, ОЙ ЭКАНСИЗ»

## ёки КЎРИНМАЙ ҚОЛГАН «ЮЛДУЗ»

Суратдаги актрисани танидингиз-а? Ҳа, яшанг, Уйғуннинг «Парвона» асари асосидаги спектаклда Юлдуз ролини қойилмақом қилиб ижро этган актрисани танимай бўларканми? Лекин кейинги вақтда... Яқинда жамоатчи мухбиримиз Шукуржон Сафоева билан учрашди.

— Шукуржон опа, нима учун театр саҳнасини тарк этдингиз?

— Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Қўйилаётган саҳна асарларидан ижодий қониқмаслик туфайли ҳам мен театрни тарк этиб, бошқа ишга ўтдим. 74 йиллик совет тузуми даврида саҳнада ҳам асосан сиёсатга хизмат қилувчи бир ёқлама саёз асарлар қўйилди. Ҳаёт фақат оқ ва қора рангдан иборат қилиб тасвирланди. Оқ ранг — қаҳрамон. У совет кишиси — большевик, коммунист. Қора ранг — салбий образ. У бой, ёт унсур. Мен саҳна асарларини ҳар қандай сиёсатдан холи бўлишини хоҳлардим. Чунки адабиётда ҳаёт ҳаққоний акс этиши, инсон ҳам ўзининг бутун мураккабликлари билан ифодаланиши керак-да. Кишини ўйлантирадиган, тарбиявий аҳамияти катта, миллий руҳдаги асарлар камлиги боис, мен кўпроқ Европа ва рус драматургларининг асарларида роллар ўйнаганман. Гоголнинг «Уйланиш» асаридаги Агафия Тихоновна, Е. Шварцнинг «Қор маликаси» спектаклидаги Герда, Софоклнинг «Антигона» асарида Исменна, Островскийнинг «Ҳар тўкисда бир айб» асаридаги Машинка образларини айтишим мумкин. Хуллас, миллий руҳдаги бақувват асарда миллий қаҳрамон образини яратиш менинг орзуим эди. Мана мустақилликка эришдик, драматургларимиз энди яхши-яхши саҳна асарлари ёзсалар ажаб эмас.

— Аммо сиз халқ севиб кутиб олган асарлар, жумладан, Ўлмас Умарбековнинг «Шошма, қуёш!» спектаклида, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» асарида ўзига хос эсда қоларли образлар яратгансиз. Айниқса, «Парвона» спектаклидаги Юлдуз ҳамон театр ихлосмандларининг ёдида.

— Тўғри, мен ўзбек драматургларининг асарларида ҳам роллар ижро этганман. Лекин, юқорида айтганимдек, бу асарлар ҳам синфий кураш ғояларини тараннум этувчи асарлар бўлиб, ҳаёт ҳақиқати бир томонлама акс этган. Масалан, «Шошма қуёш!» даги Санобар Камолованинг ёшлигини ўйнаганман. Агар у коммунист эмас, кўпроқ оддий инсон сифатида тасвирланганида асар бундан ҳам жонли чиқарди. Албатта, бу ерда адибларда асло айб йўқ. Улар тузум исканжасида ўз асарларини шу тарзда ёзишга мажбур бўлганлар. Энди «Парвона» спектакли ҳақида гапирадиган бўлсак, бу асар сиёсатдан холи, ҳаётни қандай бўлса, шундайлигича акс эттиргани боис, ҳамон томошабин ёдида. Чунки у миллий руҳдаги бақувват асар. «Парвона»даги Юлдуз роли ўзимга ҳам жуда ёқади.

— Ҳозир қаерда ишлаяпсиз?

— 1990 йилдан мен Тошкент Маданият техникумида талабаларга «Актёрлик маҳорати» ва «Сценарий композицияси» фанлардан дарс бериб келмоқдаман. Техникум қошида «Зиё» театр-студияси очдик. Ҳар жиҳатдан талантли йигит-қизларни бу ерга йиққанмиз. Мен бадиий раҳбарман. Ҳар йили мактаб ўқувчиларининг таътиллари вақтида ва Наврўз байрами арафасида мактаб ўқувчиларига маданий хизмат қилиб келамиз. Бу йил ҳам Наманган, Хоразм вилоятларида гастролда бўлдик. Мактаб ўқувчиларига Азиз Несин ва Шароф Бошбеков асарлари асосида томошалар кўрсатдик. Бундан ташқари ёшлар ҳаётини акс эттирувчи инсценировкалар ҳам қўйдик. Бу инсценировкаларнинг айримларини ўзим ёздим. Наманганда бўлганимизда бир нарса руҳимни тушириб юборди. Айрим мактабларда умрида театр кўрмаган, актёрлар билан учрашмаган ўқувчилар ҳам бор экан. Ана шу ўқувчилар биздан жуда миннатдор бўлишди. Ҳозирги кунда Шароф Бошбековнинг «Эшик қоққан ким бўлди?» асарини саҳналаштириш ниятидамиз.



**— Санъаткорнинг турмуш тарзи ва оиласи ҳаммани қизиқтириши табиий...**

— Мен бахтиёр оиланинг бекасиман. Турмуш ўртоғим Омонов Оллаберган Маданият ишлари вазирлигида етакчи мутахассис. Учта қизим бор. Катта қизим Нодирахон Тошкент Давлат консерватория институтида бастакорлик факультетини тугатиш арафасида. Ўртанча қизим Ферузахон рассом-модельер (тикувчи), кенжамиз Комилахон эса 7-синф ўқувчиси. Унинг орзуси санъаткор бўлиш. Шу мақсадда «Туркистон» саройи қошидаги «Томоша» гуруҳига қатнашади.

— Катта саҳнадан кетганингизга ачинмайсизми?

— Албатта, ижодимнинг ҳозирги аҳволига ачинаман. Орзуим яхши-яхши роллар ижро этиш эди. Агар театрда ҳозир ҳам яхши спектакль қўйишсаю, мени роль ўйнашга таклиф қилишса, мен тайёрман.



— Шукуржон опа, Ҳамза театридаги партнёрларингиздан қайсиларини ҳозир ҳам миннатдор бўлиб эслайсиз?

— Аввало устозим Сора опа Эшонтўраевани, Теша Мўминовни, Муҳаммадали Абдуқундузовни, курсдошларим Жамшид ва Гавҳар Зокироваларни, Ёдгор Саъдиевни, Саидкомил Умаровларни ҳамон миннатдор бўлиб эслайман. Бу инсонлар билан доимо борди-келди қилиб турамиз.

— Янглишмасам, сиз киноларда ҳам бир қанча роллар ижро этгансиз?

— Асосан, ижодий фаолиятим кинодан бошланган десам ҳам бўлади. 8-синфда ўқиётганимда кинорежиссёр Али Ҳамроевнинг «Лайлак келди, ёз бўлди» фильмида Феруза деган ёш қизча ролида ўйнаганман. Кейинчалик «Биринчи буса» фильмида Салтанат ролини ўйнадим. Эдуард Хачатуровнинг «Тўйлар муборак» фильмида Умида, 1992 йилда француз режиссёри Мишель Сибранинг «Репортаж олиш» («Цель репортаж») фильмида кичкина Ҳалимахон ролини ижро этганман.

— Актёрликни ҳавас қиладиган ёшларга қандай тилакларингиз бор?

— Ёшларга ишончни йўқотмасликни, эҳтиросини сўндирмасликни, ижодий изланишни, асло тўхтатмасликларини тилайман. Сабр-тоқат ва билим ҳамма нарсанинг тирагидир.

**Суҳбатдош:**
**журналист**
**Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**

*Газета саҳифаланаётганда*

### ҚОРАДОРИ ҚОРА ЙЎЛГА БОШЛАСА

Ҳамиша қораланган, паст назар билан қаралган бир иллат бор. Бу гиёҳвандликдир. Унинг зиёни, асорати элатларни зор қақшатиб келган. Афсуски, бунга писанд қилмаган ёки англаб етмаганлар бор. Қашқадарёда ана шундайлар қўлга олинди. Жазоланди. Аммо...

— Таркибида гиёҳванд моддаси бўлган ўсимликларни экқан, ўстирганлардан 158 таси аниқланди, — дейди Қашқадарё вилояти ИИБ ЖҚБ гиёҳвандликка қарши кураш бўлими бошлиғи, милиция майори Исроил Тўхтамишев. — Шунинг 100 таси бўйича жиноят иши қўзғатилган.

— Йўқ қилинган майдонлар кўпми?— сўрайман И. Тўхтамишевдан.

— Оз эмас. 113 минг 240 квадрат метр жойда ўстирилаётган оғу бартараф этилди. Бу 11 гектардан ошиқ ер майдони демакдир.

Тоғ-тош, чўл-биёбон инсон чарчоғини олади. Тан яйрайди. Лекин шу гўзалликни топтаб, у ердаям одамзоднинг — оламнинг кушандаси бўлмиш наша, кўкнори экканларда инсоф бормикин?

Уларда инсоф нима қилади? Диёнат нима қилади?Фақат нафс, қабиҳлик бор. Агар шундай бўлмаганида вилоят хонадонларидан 217 кило 487 грамм гиёҳванд моддаси топилармиди?!

Китоб тумани баҳаво жой. Одамлари меҳнаткаш, содда, самимий. Ана шу ердаям иллатга чалинганлар борлигига ачинасан. Ҳотам Даминов К. Рустамова кўчасидаги 26-уйда яшайди. Қуни-қўшнининг иззат-икромига сазовор инсон. Таниш-билишларининг ҳурматини жойига қўядиганлардан. Аммо тушунчаси тор экан. Гиёҳвандлик зиён, офатлигини била туриб уйда шу зормандани асрашдан ҳазар қилмабди. Текширув чоғида унинг уйидан бир кило наша, 20 грамм қарадори чиқди.

Энди афсуснинг фойдаси йўқ.

Қарши шаҳридаги Гоголь кўчаси 15-уйда яшовчи Умидулла Раҳматовнинг ёши 45 да. Ҳеч жойда ишламайди. Муқаддам судланган. У фойдали меҳнатсиз кун кўришни раво билди. Биродарлари танбеҳ беришса қулоғига олмади. Билганини қилишдан лаззатланди. аммо бу гал У. Раҳматов қўлга тушди. Иши чаппасига кетди. У «бисотини» — 12,7 грамм гиёҳванд моддасини 400 сўмга пуллаётган маҳалда вилоят ЖҚБ тезкор ходимлари томонидан қўлга олинди.

У ҳам энди жазога маҳкум.

Ҳали, юқорида айтилганидек, ҳордиқ берадиган жойларни булғалаш далиллари Шаҳрисабз, Китоб туманларида кўплаб қайд қилинди. «Зарафшон», «Варганза», Улуғбек номли жамоа хўжаликлари, Жовуз ва Қовунсой тоғ ён бағирларидан 6 ярим гектарга яқин майдонда ғайриқонуний равишда, кўкнори ўстирилаётгани аниқланди ва оғулар йўқ қилинди.

**Шукрулла АЛИҚУЛОВ,**
**«Туркистон» мухбири.**

### КЕЛГУСИ СОНДА:

- **Меҳрга ташна кўзлар**
- **Гул кўп, чаман кўп**

*Ўйнаб-кулган яхшироқ*

## ЭШПЎЛАТ ЭШИБ ГАПИРАДИ

Эшпўлат хат қутисидан олган ўз номига ёзилган мактубни ўқиб, кулиб юборди. Унда шундай сўзлар битилганди: «Жондан азиз чеварам Эшпўлатжон. Бувам бор деб бундоқ хабар олмайсан ҳам. Бир келиб кет. Ёки ўзим борайми? Соғиндим. Бувинг Тошпўлат тажанг.

Сана 1995 йил 32 октябрь.

Конверт устида эса, «Манзилим: Нариги дунё» деб ёзиб қўйилган эди. Билдики, бу шумтака ўртоғи Аҳмаднинг ҳазили. Ҳа-ҳа, ўша, худди ўшанинг ёзуви.

Эшпўлат жавоб ёзди:

«Буважон, хатингизни олдим. Келиб овора бўлиб юрманг. Биз бугун оиламиз билан узоқ сафарга кетяпмиз. Олдингизга ўртоғим Аҳмадни юбораман. У бу ердаги воқеаларни сизга сўзлаб беради.

Эварангиз Эшпўлат.

Сана: хатни олган кунимоқ жавоб ёздим.

Манзилим: Бу дунё».

Ва хатни Аҳмадларнинг хат қутисига ташлаб юборди.

***

Эшпўлат ҳадеса гўшт бозорининг ўртасига туриб олиб овозини баралла қўйиб қичқиряпти:

— Кеп қолинглар, парҳез гўшт! Еганлар дармонда, емаганлар армонда. Ҳо-ҳой, кеп қолинглар, бузилмайдиган парҳез гўшт!

Бир одам тўхтаб сўради:

— Ҳой бола, намунча бақирасан. Қани гўшт? Қўлингдаги тирик товуқ-ку!

Эшпўлат пинагини бузмабди ҳам.

— Нима бўпти, тирик бўлса. Керак бўлса сўйиб ейсиз. Унгача юра туради. Қайта яхши эмасми, свежи... — У яна бақира бошлабди.

— Ҳо-ҳой, кеп қолинглар, бузилмайдиган парҳез гўшт! Тухуми ўзи билан...

***

Ўқитувчи ўқувчилардан ота-оналари нима иш қилишларини сўради. Навбат Эшпўлатга келганда, у:

— Дадам ҳоммол, ойим оқсочлик қиладилар, — деб жавоб қилди.

Ўқитувчи ишонқирамади.

— Ростдан, — деди Эшпўлат сўзини тасдиқлаб. — Дадам ишдан қайтганларида ойимга «ана, ҳоммолинг келди», деганларини, ойим эса, «мен бу уйга оқсочлик қилиш учун келганман» деганларини ўз қулоғим билан неча марталаб эшитганман.

**Тўпловчи:**
**З. РИХСИЕВ.**

*ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз муштарий! Агар ёдингизда бўлса, газетамизнинг аввалги сонларидан бирида «Эшпўлат эшиб гапиради» деган рукн очган эдик. Ҳеч қанча вақт ўтмаган бўлса-да сизлардан бир қанча хат олдик. Ходимларимиз уларни тартибга солишга киришганларини мамнуният билан хабар қилмоқчимиз. Яна мадад сизлардан! Кошки, ҳамкорлигимиз натижаси ўлароқ ёшларнинг ўз афандиси дунёга келса!*

*Хатларингизни — янги латифаларингизни кутамиз.*



*Шеърият*

*Туроб НИЁЗ*

## СИЗНИ ДУНЁ ТАНИЙДИ БУГУН

***

Мен тупроқман — қадимий тупроқ,
Азиздирман мисли нон қадар.
Ой Тўмарис, Муқанна, Широқ,
Аядилар мени жон қадар.

Мен тупроқман — қадимий тупроқ,
Улуғ Темур кўтарган бошга,
Ҳар бир заррам айлади ардоқ,
Етганидайин бўлдим қуёшга.

Мен тупроқман — қадимий тупроқ,
Навоийнинг қадами теккан.
Ҳижронимда жўмард Бобур шоҳ
Умр бўйи дард-алам чеккан.

Мен тупроқман — қадимий тупроқ,
Қондан бездим, тўймадим нурга.
Оз суйилдим, топталдим кўпроқ,
Бурканмадим асрлар гулга.

Бугун менинг чиройимга боқ,
Танишинг ҳам эмасдир осон:
Мен — пахтазор, мен — гулзор,
мен — боғ,
Мен — озод юрт — ҳур Ўзбекистон.

### УЛУҒБЕК

Ўн бешида шоҳ бўлган бобом,
Қирқ йил элга бош бўлган бобом.
Кўнглида ғам, оҳ бўлган бобом,
Кўзларида ёш қолган бобом.

Оромлардан тамом кечдингиз,
Осмон илмин сувдай ичдингиз.
Хаёл бирла кўкда учдингиз,
Юлдузларни суйиб қучдингиз.

Не бахт сизга шогирд тушдилар,
Эътиқодда собит, кучлилар —
Зукко Мирим, али Қушчилар,
Осмон қулфин — сирин очдилар...

Ўз ўғлингиз куйдирди сизни,
Маломатга қўйдирди сизни,
Ширин жондан тўйдирди сизни,
Охир ёвга сўйдирди сизни...

Сизни дунё танийди бугун,
Кўз очсангиз қанийди бугун...
Ўзбекистон манглайи бугун
Кундай ёруғ, порлайди бугун...

Ўн бешида шоҳ бўлган бобом,
Қирқ йил элга бош бўлган бобом,
Кўнглида ғам, оҳ бўлган бобом,
Кўзларида ёш қолган бобом.

### БАХТИЁР БЎЛАЙ

Шафқат қил, айла карам,
Эй, кун юзли бокирам,
Тузалсин дилда ярам —
Бахтиёр бўлай мен ҳам.

Ёлғизлик жуда ёмон,
Одамни қўймас омон,
Умид қиламан — ҳамон,
Бахтиёр бўлай мен ҳам.

Сенсиз менга кун йўқдир,
Кун не бўпти, тун йўқдир,
Эрта йўқ, бугун йўқдир —
Бахтиёр бўлай мен ҳам.

Барини унутиб ё,
Бош олиб кетайми, ё,
Мажнундек ўтайми ё,
Бахтиёр бўлай мен ҳам.

Сенга қийин, биламан,
Мен шунга қийналаман,
Орзуга айланаман —
Бахтиёр бўлай мен ҳам.

### ГУЛГА ОШИҚМАН

Мен ошиқман, нурга ошиқман,
Ўшал гўзал гулга ошиқман,
Унга нега, билмам, ошиқман,
Ўшал гўзал гулга ошиқман.

Уни ҳар кун кўрмасам бўлмас,
Дийдорига тўймасам бўлмас,
Эркалаб бир суймасам бўлмас,
Ўшал гўзал гулга ошиқман.

Очилиши — кулиши гўзал,
Бўй таратиб туриши гўзал,
Маъюс хаёл суриши гўзал,
Ўшал гўзал гулга ошиқман.

У ҳам мени суяр, биламан,
Мен деб ёнар, куяр, биламан,
Шабнамга юз чаяр, биламан,
Ўшал гўзал гулга ошиқман.

***

Шунча гўзал бўлурми одам,
Юз-кўзида бирор мини йўқ.
Ортда қолиб кетади гул ҳам,
Наҳот ерда унинг тенгги йўқ?!

Қиёс излаб бўламан ҳалак,
Уринаман тушунтиришга:
Туғилмаган ерда у малак,
У осмондан тушган фаришта.

### БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

Тошкент шаҳридаги 309-шарқ тиллари лицейида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп йиллик тизимини жорий этиш ва шу асосда ўқувчилар рейтингини аниқлашнинг илмий-методик асослари мазуига бағишланган семинар ўтказилди. Янги турдаги мактаб директорлари учун мўжалланган бу тадбирни Тошкент шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти билан биргаликда ташкил этди.

Семинар иштирокчилари лицейда бу борада орттирилган тажриба билан танишдилар, рейтинг тизимини қўллаш бўйича очиқ дарс машғулотларида қатнашдилар.

**(ЎзА).**


«Туркистон ёшлари» — тез ёрдам !



## ЭЪЛОН

Қарши улгуржи чакана савдо ишлаб-чиқариш ҳиссадорлик жамияти қуйидаги маркадаги тикув ишлаб чиқариш машиналарини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан келишилган нархда сотади:

| | |
|---|---|
| КЛ 10224 М | 50 дона |
| КЛ 1022 М | 11 дона |
| КЛ 1022 | 4 дона |
| КЛ 3131150 М | 10 дона |

Манзилимиз: Қарши шаҳар, Насаф кўчаси 79-уй.
Телефонлар:
4-31-02, 5-35-71.


Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Мискин номли 62-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Костилев Владимир Юрьевичга берилган №310359 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


**МУҲТАРАМ КУЛГУ ШИНАВАНДАЛАРИ!**

**Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги**
**Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси**
**Ўзбекистон давлат эстрадаси**

**«ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» САРОЙИДА**

Шу йил 11 ноябрь соат 18.00 да ва 12 ноябрь соат 14.00 ва 18.00 да Республика кулгу усталари танлови мутлоқ ғолиби, кулгу устаси — киноактёр

**ШЕРАЛИ ҲОЖИЕВ**

**ва**

**«МЎТТИ» қизиқчилар театри**

**«ИБИ, КУЛИШАМИЗМИ?»**

янги дастурини сизларга ҳавола этади.

*Билетлар «Халқлар Дўстлиги» саройининг кассаларида соат 10.00 дан сотилади.*
*Жамоалардан жам бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.*

*Мурожаат учун телефонлар: 41-86-04, 45-92-51, 44-56-07.*



**Битирувчи курс талабалари ва дипломли шахслар учун АҚШ университетлари аспирантурасида ўқиш имкониятлари**

**The 1996 Edmund S. Muskie Fellowship Program**

The US Government is pleased to announce the 1996 Edmund S. Muskie Fellowship Program which provides grants to citizens of the NIS countries. The Program is funded and supervised by the United States Information Agency, and is administered by ACCELS, IIE, IREX, and the Soros Foundation. The Fellowship offers the opportunity to pursue one or two years of graduate study in the following fields:

**business administration** **economics**
**public administration** **law**

The Fellowship will provide financial assistance to qualified individuals from the NIS countries who lack sufficient funding to enroll in graduate programs at US institutions. Fellows may have the opportunity to seek an eight to twelve-week summer internship for practical training in the field of specialization. A number of the one-year placements for the Muskie Fellowship will be non-degree professional development awards designed for individuals with a minimum of three years work experience in the field they will study in the US. Depending on the type of program and field of specialization, the other Muskie Fellowships may lead to a graduate degree or certificate from a US institution.

Under the terms of the grant and the laws governing the student visa required for participation in the programs, Fellows must return to their home country immediately upon completion of the program for a period of at least two years.

Competition for the Fellowship is merit-based and open to anyone who meets the specific criteria. The complete list of eligibility requirements and selection criteria are included in the applications and are available from the advising centers and representational offices listed below. Partial criteria are listed here.

*- citizen of NIS countries;*
*- lacking a source of funding for study in the US or access to another US-based training program;*
*- under the age of 40 at the time of application deadline (November 15, 1995);*
*- hold an undergraduate degree (four or five-year program) with good academic standing by the start of the proposed academic program in the United States in summer 1996;*
*- proficient in spoken and written English at the time of application; all semifinalists will be required to take TOEFL; and*
*- able to demonstrate professional aptitude and leadership potential in the field of specialization.*

Applications can be obtained from one of the advising center or representational offices listed below. Deadline for application is **November 15, 1995**. Late or incomplete applications will not be considered.

**ACCELS Office:**
16-A Lakhuty St.,
7th Floor, Room #716
Tashkent 700015, Uzbekistan
Tel: (3712) 56-55-47

**IREX Office:**
88 Khurshid St., Apt.42
Tashkent, Uzbekistan
Tel: (3712) 35-21-71

**ACCELS Educational Advising Center:**
80 Uzbekistan St.,
1st Floor, Room #112
Tel: (3712) 45-80-56

**Samarkand Branch of ACCELS:**
39 Amir Temur St.,
Samarkand, Uzbekistan
Tel: (3662) 35-67-80

**Nukus Branch of ACCELS:**
3 Karakalpakstan St.,
2nd Floor, Nukus
742000, Karakalpakstan
Tel: (36122) 2-60-06

**Namangan Branch of ACCELS:**
4 Mashrab St., 4th Floor
Room #421, 422
Namangan, Uzbekistan
Tel: (36922) 6-27-50



Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Туркистон
TURKISTAN

*Таъсис этувчи:*
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. — 0498
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

22006 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти — 21.00

А-2 3 4 5 6